

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.6 (525.1.)**

ИМОМОВ АЗИЗ АКМАЛОВИЧ

**НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ОҚИБАТЛАРИ**

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни,
халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича
ҳуқуқ магистри даражасини олиш учун ёзилган**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар: юридик фанлардоктори, профессор
КАРАХОДЖАЕВА ДИЛОРОМ МАМИРОВНА**

ТОШКЕНТ-2011

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....

I-БОБ. Оила қонунчилиги бўйича никоҳ тушунчаси ва аҳамияти.....

1.1. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари.....

1.2. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар.....

II-БОБ. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари.....

2.1. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби

2.2. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.....

2.3. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқий оқибатлари.....

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Президент И.А.Каримов оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг камровли ишларни давом эттириш ҳақида тўхталиб, айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши, ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало оилада пайди бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади¹, дея таъкилаб ўтган эди.

Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Еро, комил инсон – ҳар томонлама фаровон, бекаму-кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Давлат миқёсидаги масала сифатида оила институтининг ҳуқуқий асослари аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қомусимизга мувофиқ оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Маълумки, оиланинг ҳуқуқи асосини фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонуний рўйхатдан ўтказилган никоҳ ташкил этади. Шариат қоидаларига асосан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва ҳеч қандай ҳуқуқий оидбатларни келтириб чиқармайди.

Қонуний никоҳ эр-хотиннинг ўзаро аҳдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ва никоҳланувчилар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради.

¹ Каримов И.А.Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-//Адолат.2010 йил, 10 декабрь.

Оилавий муносабатларда никоҳ институти, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги масалалари ҳамда никоҳ тузиш шартларига риоя этилмасдан тузилган никоҳнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилашга қаратилган қонун нормаларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва натижада муайян фикр-мулоҳазалар бериш мазкур магистрлик диссертация ишининг долзарбилигини англатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқот мавзуи муқаддам оила ҳуқуқида алоҳида ҳолда қисман У.Ш.Шорахметова томонидан тадқиқ этилган². Ҳозирги кунга қадар никоҳ институтига тааллуқли бўлган никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари кам ўрганилган. Ўрганишлар ҳам айрим мақола ёки тезислардаги чиқишлар билан чегараланган. Тўғри, диссертация мавзуси билан боғлиқ баъзи ҳолатлар ҳуқуқшунос олимлар томонидан у ёки бу даражада ишланган. Масалан, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, А.М.Антокольская, А.Нечаева, Я.Е.Песинлар никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, никоҳдан ажралиш жараёнини амалга оширувчи органларнинг роли, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги масаласининг процессуал хусусиятларига тўхталсалар, Ф.Отахўжаев, М.Восиқова, Г.Тансиқбаевалар масалага оила ҳуқуқи нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Р.Муҳамедов, Т.Кочергина, Ш.Юлдашева, Г.Иномжонова, З.Эсанова, И.Жўраевалар томонидан никоҳ тузиш тартиби ва шартлари ҳамда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларининг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби масалалар ўрганилган.

О.Оқюлов, А.Пергамент, Л.М.Пчелинцова, М.Антокольская, М.Самарходжаева, Ш.Р.Юлдашева, Б.Р.Топилдиев, Н.А.Ашурова, Г.С.Инамджанова, Ш.Ҳамраева, З.Н.Эсонова, Б.Худоёров, Э.Эгамбердиев,

² У.Ш.Шорахметова Никоҳ тузиш шартларига риоя қилмаслик оқибатларини белгиловчи оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражаини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2008

А.Тўхташев, Т.Аюбов, Д.М.Караходжаева, Р.Ҳақбердиева, М.Х.Баратов, Ш.Ганибаева, Р.Ж.Матқурбанов³лар томонидан никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалаларнинг у ёки бу қирраси ўрганилган, тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда никоҳ ва уни ҳуқуқӣ тартибга солиш масалалари Ф.М.Отахўжаев ҳамда У.Ш.Шораҳметовалар томонидан комплекс таҳлил этилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Унинг асарларида никоҳ муносабатларининг умумӣ жиҳатлари билан бир қаторда никоҳ тузиш шартларига риоя қилмаслик оқибатлари ҳам таҳлил қилинган⁴.

Бироқ, никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, никоҳнинг ҳақиқӣ эмаслиги ҳамда никоҳ ҳақиқӣ эмас деб топилганда эр-хотинларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари, ҳақиқӣ эмас деб топилган никоҳдан туғилган болаларнинг ҳуқуқӣ ҳолати каби масалалар ҳуқуқӣ адабиётларда хануз ўрганилмай қолмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг асарларида никоҳнинг ҳақиқӣ эмаслиги ва унинг ҳуқуқӣ оқибатлари масаласи алоҳида тартибда, комплекс тартибда ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот ишида никоҳнинг ҳақиқӣ эмаслиги ва унинг ҳуқуқӣ оқибатлари атрофлича ўрганилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосӣ мақсади – оила ҳуқуқида никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, никоҳ тузига монелик

³ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 2006; Зокиров И., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Тошкент: Адолат, 1998; Зокиров И., Оқюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Тошкент: ТДЮИ, 2003; Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумӣ тавсиф ва шарҳлар -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997; Шораҳметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 2001; Ашурова Н. Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлардаги иштироки. -Тошкент: ТДЮИ, 2008; Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. -Тошкент: ТДЮИ, 2005; Нечаева А. Семейное право. Курс лекций. -М.: Юрист, 2006; Антокольская М. Семейное право. -М.: Юрист, 2004; Рясенцев В. Семейное право. -М.: 2001; Худояров Б. Защита прав и интересов детей по семейному праву Республики Таджикистан. Автореф.дис...канд.юрид.наук. -Душанбе: 2000; Матқурбанов Р.Ж. Правовые проблемы дееспособности физических лиц. Автореф.дис... канд.юрид.наук. -Ташкент: 2004.

⁴ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқӣ тартибга солиниши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Развитие законодательства о браке в Республике Узбекистан и проблемы его дальнейшего совершенствование. Автореф.дис....докт.юрид.наук. -Ташкент: 2000; Отахўжаев Ф.М. Оила ҳуқуқи. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари тўпламида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005.

қиладиган ҳолатларни, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Шу маънода, тадқиқотда никоҳнинг илмий тушунчасини очиб бериш, унинг мақсади, моҳияти ва аҳамиятини кўрсатиш, никоҳ тузиш шартларига илмий таъриф бериш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар моҳиятини очиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топувчи давлат органларининг мазкур соҳадаги фаолиятларини ўрганиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш (тартиби, асослари), никоҳ тузиш шартларига риоя қилинмай тузилган никоҳ бўйича эр-хотинларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаш, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда эр-хотинларнинг ўз фаолиятлари юзасидан жавобгарлиги ҳамда никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишининг ҳуқуқий оқибатлари каби масалалар ўрганилади, таҳлил қилинади. Ўрганишлар, таҳлиллар ва шахсий кузатувлар якунида муайян илмий ғоялар, таклиф-мулоҳазалар ишланмалар тарзида оммавий ҳимояга тақдим қилинади. Тадқиқотнинг вазифалариганикоҳ тушунчасини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш, никоҳ тузиш тартиби ва шартларини таснифлаш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мазмун-моҳиятини қиёсий таҳлил қилиш, оила қонунчилигида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва шартларини ўрганиш ва амалдаги қонунчиликка асосланиб, улар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилишининг шахсий-ҳуқуқий оқибатларини ўрганиш, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилишининг мулкӣ-ҳуқуқий оқибатлари илмий таҳлил қилиш ва оила қонунчилигини такомиллаштиришга оид амалий таклифлар киритишдан иборат.

Шунингдек, никоҳ институтини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини никоҳ тушунчаси, никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш каби масалалар ташкил этади. Тадқиқотнинг предметини кенг равишда

никоҳни ҳақиқий эмаслиги ва унинг ҳуқуқий оқибатларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топувчи давлат органларини фаолиятини самарали йўлга қўйилишини тартибга солишдан иборатдир.

Илмий янгилиги комплекс равишда никоҳ тузиш шартларини, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиш асосларини ва унинг ҳуқуқий оқибатларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлиги, унинг ҳуқуқий мақоми, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳ тузиш шартларига риоя қилмасликнинг хусусий-ҳуқуқий усуллари тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади. Шу маънода тадқиқот предмети бўлган никоҳ тузиш институти ҳам фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ҳамда фуқаролик процесси нуқтаи назаридан ўрганилди ҳамда оила қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг мазмуни, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва мулоҳазалар илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлиги ишларида, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик жараёни нормаларини ривожлантиришда маҳаллий давлат бошқаруви ва адлия, суд идораларининг амалий ишларида, шунингдек ўқув жараёнида қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот иши кириш қисми, икки боб, 5 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Оила қонунчилиги бўйича никоҳ тушунчаси ва аҳамияти.

1.1. Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари

Ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш бизнинг асосий мақсадимиз экан, шундай жамиятни, давлатни қуришда, равнақ топтиришда оиланинг ўрни беқиёсдир. Оилада шахс дунёга келиб, ўз ўрнига, мавқеига эга бўлади.

Никоҳ оиланинг вужудга келишидан бирдан-бир асос, омил бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчали соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилса, албатта, шу оиланинг мавқеи, обрўи, шунингдек ушбу оилада вояга етиб келаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-модда 2-бандида⁵, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда 2-қисмида никоҳ тузиш ихтиёрий эканлиги, никоҳ фақат никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкинлиги⁶ нормаланади.

Шунингдек, никоҳ тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оилавий турмушда туғилган болаларни миллий истиқлол мафқураси ғоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифоқи тушунилади.

⁵ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. -Тошкент : Ўзбекистон, 1998.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент:Ўзбекистон, 2008.

Никоҳ тузишда ихтиёрийлик тамойилини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари никоҳни юридик расмийлаштиришда яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ОК 13-моддасига биноан никоҳ тузиш тартиби нормаланган бўлиб, унга кўра:

-биринчидан, никоҳ тузиш учун билдирилган ёзма розилик (ариза никоҳланувчи шахслар томонидан, яъни, эркак ёки аёл томонидан бевосита ёзилади ва имзоланади) асосида намоён бўлиши;

-иккинчидан, никоҳ тузиш учун ариза берилгандан кейин бир ойлик муддат белгиланиши. Ушбу қонун билан белгиланган бир ойлик муддатнинг белгиланишидан кўзланган мақсад, никоҳланувчи шахслар никоҳга эркин, ихтиёрий, тенглик ҳамда ўзга шахсларнинг мажбурловисиз эканлигини аниқлаштириш ҳамда келажак оилани мустақамлигини таъминлашдан иборатдир;

-учинчидан, никоҳ никоҳланувчиларнинг шахсан иштирокларида қайд этилади. Никоҳни вакил ёки ишончнома орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ф.М.Отахўжаев никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳланувчиларнинг биргаликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилишини, айрим ҳолларда етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, ФХДЁ органининг ташаббуси билан узайтириши мумкинлигини ҳамда бу муддат уч ойдан ошмаслиги лозим, - деган фикрни билдиради⁷.

Фикримизча, бу ерда Ф.М.Отахўжаев тўғри ва асосли фикр-мулоҳазаларни илгари сурган. Чунки никоҳланувчи шахслар айрим ҳолларда қонун билан белгиланган бир ойлик муддат давомида бир-бирлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлмасликлари, айрим ҳолларда эса уларнинг оилавий шароитлари билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар юзага келиши ва унинг натижасида никоҳ тузилмай қолиши мумкин. Биз ҳам Ф.М.Отахўжаевнинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, Ўзбекистон

⁷ Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.-95 б.

Республикаси ОКнинг 13-моддасига қуйидаги қўшимча киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

13-модда тўртинчи қисмдан сўнг, бешинчи қисм сифатида, никоҳланувчи шахсларнинг илтимосига биноан белгиланган бир ойлик муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин. 13-модданинг бешинчи қисми эса ўз навбатида олтинчи қисм бўлиб ҳисобланади.

Шуни яна алоҳида таъкидлаш зарурки, 1969 йилги ЎзССРнинг Никоҳ ва Оила кодекси 17-моддасида никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг фақатгина ўзаро розиликлари талаб қилинган бўлса, амалдаги ОКда ушбу масалага кенгроқ ва чуқурроқ ёндошилишнинг қўриш мумкин. ОКда нафақат никоҳ тузишнинг ихтиёрий эканлиги, балки бўлажак эр-хотинларнинг ўзаро розиликларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари ва никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши нормаланади.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири бўлган тамойил никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойилидир. Ушбу тамойилга оғишмай амал қилиш, келажак оиланинг мустаҳкамлиги ва уни бахтли ҳаёт кечириши оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ўзаро ҳурмат, ҳамжихатликда бўлиши, бошқа бирон-бир кишининг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралаштиришга йўл қўймаслиги учун бўлажак эр-хотинлар никоҳ тузишни пухта ўйлаб, ўз ҳоҳиш-ихтиёрларига асосланган ҳолда тузишлари лозимлигини пойдевори ва асоси деб ҳисоблаш мумкин. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги унинг асосий шартларидан бўлиш билан уни эркин ва тенглик тамойили асосида вужудга келишини, оилани барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди.

2010 йил 28 декабрь 319-сон билан “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”га ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 203-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга асосан қишлоқ, овул, посёлка жойларида никоҳни қайд этиш ваколати чиқариб ташланди. Шунинг учун никоҳни фақатгина

белгиланган тартибда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида расмийлаштириш талаб қилинади.

Л.М.Пчелинцева ихтиёрийлик асосида никоҳга кириш хусусида ижобий фикрлар билдирса-да, лекин у никоҳга ариза бераётган шахслардан бири ўзининг никоҳга кириши учун розилиги билдирилган аризани нотариал тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилиши мумкинлигини кўрсатади⁸.

Фикримизча, Л.М.Пчелинцеванинг фикрлари баҳс талаб. Чунки никоҳни ихтиёрийлик асосида қуриш келажакда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Назаримизда, никоҳга кириш учун бериладиган ариза бевосита никоҳланувчи шахслар томонидан берилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки никоҳ никоҳланувчи шахсларнинг эрки-иродаларига, хоҳиш-истакларига риоя қилинган ҳолда тузилса, келажакда вужудга келадиган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Никоҳни эркин тузилиши учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши, у кўрқитиш, зўрлаш, алдаш орқали ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилиш йўли билан тузилиши тақиқланади⁹.

Амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, фуқаро А.Толипов ва фуқаро Х.Нарзиевалар 2006 йилнинг 18 февралда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-сонли ФХДЁ органида никоҳларини расмийлаштирадilar. Уларнинг никоҳлари расмийлаштирилганидан кейин бир ой ичида фуқаро Х.Нарзиева фуқаролик ишлари бўйича Юнусобод туманлараро судига мурожаат қилиб, А.Толипов билан тузилган никоҳларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилади. Даъво аризасида Х.Нарзиева уларнинг никоҳи ихтиёрийсизлик асосида ота-онасининг қистови билан тузилганлигини кўрсатиб ўтади. Ушбу ҳолат бўйича суд Х.Нарзиеванинг талабини ҳамда келтирилган асослар ўринли эканлигини инобатга олган ҳолда, фуқаро Толипов ва Нарзиеваларнинг никоҳини ҳақиқий эмас деб топади, ҳамда

⁸ Пчелинцева Л.М. Семейное право России. 5-е издание.-М.: Норма, 2008. -59 с.

Нарзиеванинг ота-онасини ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судига иш материаллари юзасидан тақдимномани жўнатади¹⁰.

Юқорида таъкидлаганимиздек, никоҳланувчи шахсларга бериладиган бир ойлик муддатни уч ойгача узайтириш, назаримизда ижобий натижа беради. Ҳамда никоҳланувчи шахсларнинг никоҳга кириш ёки кирмасликларини, уларнинг никоҳи ҳақиқий ёки сохта эканлигини ҳам аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Айрим ҳолларда амалиётда никоҳ тузиш ихтиёрийлик асосида амалга оширилган деб ҳисоблансада, бироқ, кейинчалик бу “ихтиёрийлик” кўрқитиш, зўрлаш, алдаш, мансабни суистеъмол қилиш, бир тарафнинг иккинчи тарафга боқимандалиги каби ҳолатлар асосида тузилганлиги маълум бўлади. Кўпчилик ҳолларда ушбу тазйиқларга асосан аёллар дучор бўладилар ҳамда никоҳдан ажралиш масаласи билан судга мурожаат этадилар. Бундай ҳолларда суд ишни никоҳдан ажратиш тартибида эмас, балки никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартибида кўриш билан айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб, ҳал этиши керак бўлади.

ОКнинг 13-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкинлиги нормаланади. Ушбу модданинг бешинчи қисмида эса алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлиги кўрсатилади.

ОКнинг 14-моддасида бўлажак эр-хотиннинг ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши ҳамда никоҳ тузишга мажбур қилишни тақиқлаш каби қоидаларнинг киритилиши оилани мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий норма бўлиб хизмат қилади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат. 2000. -43 б.

¹⁰ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2006 йилдаги ҳал қилув қарори. №345.

Никоҳ тузиш ихтиёрийлигининг бузилиши ва бу ҳаракатларда тарафларнинг айбдор бўлиши аниқланса, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддаси нормасини қўллашга ҳақли. Ушбу нормада кўрсатилганидек, “аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлни эрга тегишига тўсқинлик қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш” билан жазоланиши кўрсатилган.¹¹

Никоҳ тузиш шартларидан бири бўлган никоҳ тузувчиларнинг эркига хилоф равишда қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар инсон манфаатларига нисбатан зид ҳисобланиб, мустақил республикамиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади. Никоҳни ўзаро келишув-розилик асосида тузилиши, бу ўз навбатида бўлажак эр-хотиннинг оиласини тенглик асосида қурилганлигини билдирса, бошқа томондан оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлашга қаратилган тадбирдир.

1.2.Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар Оила қонунчилиги нормаларида белгиланган никоҳ тузиш шартларига қўйиладиган талабларнинг бузилиши сифатида намоён бўлади.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни эътиборга олмаслик тузилган никоҳнинг ҳақиқий саналмаслигига асос бўлади. Бу қоида ОҚнинг 16-моддасида ўз ифодасини топган.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

-лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Тошкент: Адолат, 2006.

-насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

-лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмаслиги нормаланеди.

Шу ўринда Оила қонунчилигидаги юридик фактлар ва уларнинг турлари хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш ҳамда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам юридик фактлар таркибига кириш ёки кирмаслиги масаласида фикр юритишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Барчага аёнки, юридик фактлар маълум маънода фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланади¹².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”¹³ да ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 38-моддасида оилавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳолатлар қаторига туғилиш, никоҳга кириш, никоҳдан ажралиш ҳамда фуқаронинг вафоти каби масалалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ФК қабул қилингунга қадар ушбу юридик фактларни етти тури мавжуд бўлиб, булар қаторига фарзандликка олиш, исмни ўзгартириш каби масалалар ҳам киритилган эди. ФКга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар натижасида улар тўртта ҳолатга келтирилган.

Шу ўринда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам юридик факт бўлиб ҳисобланишини алоҳида кўрсатиш лозим. Чунки никоҳни

¹² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2006.-124 б.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари.-Тошкент: Адолат, 1999.

расмийлаштириш жараёнида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд бўлмаслиги ўзиёқ юридик факт ҳисобланади (масалан, никоҳланувчи шахсларнинг яқин қариндош бўлмасликлари).

Фикримизча, ФК ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартириш киритиб, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни ҳам алоҳида юридик факт эканлигини нормалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтирмоқда, ўзгартирмоқда ва бекор қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ОКда яқка никоҳлилиқ тамойилининг мустақкамланганлиги, жамиятнинг ахлоқий қоидаларига мос келиши ва уни тараққиётнинг юқори босқичидаги никоҳ оила муносабатларининг талабларига жавоб бериши кўпгина муаллифлар томонидан таъкидланган.

Никоҳ тузиш шартларига риоя қилинмасдан тузилган никоҳ никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Мазкур ҳолат Жиноят кодексининг 126-моддасида кўрсатилган кўп хотинлик, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш энг кам иш ҳақининг эллиқ бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши каби оқибатларга олиб келишлиги белгиланган¹⁴.

ОКнинг 16-модда 1-қисмида белгиланган қоида бузилганлиги аниқланган тақдирда, ЖКнинг 126-моддасига мувофиқ, айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бироқ, бу ҳуқуқий нормада “кўп хотинлик бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш” тўғрисида фикр юритилади. Бу ҳуқуқий нормада рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлишлиқ назарда тутилмасдан, фақат умумий рўзғор асосида яшайдиган шахсларни “кўп хотинли” деб ҳисоблаш назарда тутилади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси.-Тошкент : Адолат, 2006.

ОКдаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни ЖКнинг 126-моддаси нормалари билан ҳамоҳанг бўлишини назарда тутган ҳолда, шунингдек ЖКнинг мазмунида ўз ифодасини топмаганлиги ва бу ҳисобга олиб ЖКнинг 126-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этамиз: “Кўп хотинлик бўлиш учун эр рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган, умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаган бўлиши лозим”.

Фикримизча, ушбу таклиф қилинаётган норма оила қонунчилиги нормаларини жинойт қонунчилиги нормалари билан бир-бирини тўлдиреди, ҳамда якка никоҳлилик тамойилини бузилишини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизни асослаш учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Масалан, 1999 йилда фақат Республика судлари томонидан 15.803 та ажралиш йўли билан тугалланган никоҳ—бу дегани ҳар 100.000 та аҳоли сонига— 105 та аёл ўз турмуш ўртоғисиз ёлғиз бўлиб қолган.

Бундан ташқари, вояга етмаган болаларга алимент ундириш ҳақида 21.309 та суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган—бу дегани 21.309 та ёлғиз аёллар алимент ундириш масаласи билан судларга мурожаат қилганлар.

Р.Муҳамедовнинг фикрича, якка хотинлик (монагам никоҳ) ёки кўп никоҳлилик (полигам никоҳ) масаласи доимий равишда мунозараларга сабаб бўлиб келишини кўрсатади¹⁵.

Р.Муҳамедов ўз фикрини давом эттириб, монагам никоҳ эр-хотинларнинг келгусида фарзандлари соғлом ва баққуват бўлиб дунёга келишини, эр-хотинлар ўртасидаги оилавий муносабатларни нормал тарзда кечишини, шунингдек эр ва хотинлар ўртасида учраб турадиган жинсий органлар орқали юқадиган касалликлар ҳолатини вужудга келиш эҳтимоли паст бўлишини таъкидлайди.

Биз ҳам ушбу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, якка никоҳлилик ижобий натижаларни беришини, шунингдек келажакда вужудга келиши

¹⁵ Муҳамедов Р. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1975. -122 б.

мумкин бўлган оилавий низоларни, ажралишлар сонини камайишига, турли хил касалликлар ва ўлим даражасининг пасайишига олиб келади деган фикрларни илгари сурмоқчимиз. Чунки айрим ҳолларда қонуний асосларда яшаётган эр-хотинларнинг муносабатларига путур етиши натижасида кўп ҳолларда аёллар азият чекиб, ўзларини ўлим даражасигача ёки рухий ҳолатларида кескин ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Якка никоҳлилиқ хусусида тўхталиб, мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръони Каримда кўп хотинликка йўл қўйиш умумий қоидадан истисно сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Нисо сурасининг 3- оятида “Сизлар учун никоҳда ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз бир аёлга уйланинг...” ёки қўл остингиздаги чўри билан кифояланинг. Мана шу жабру-зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир”¹⁶ деб кўрсатилган. Қуръоннинг бу оятини Алоуддин Мансур шундай изоҳлайди: “Гарчи Қуръонда кўп хотинликка руҳсат берилса ҳам хотинлар ўртасида адолат қилиш шарт эканлиги таъкидланади”. Маълумки, исломгача бўлган даврда кўп хотинлилиқни чегараси йўқ эди ва ҳеч қандай ва шарт қўйилмаганди. Қуръонда у тўрттага қадар чегара чекланади ва албатта ўртада адолат барқарор бўлиши шарт қилиб қўйилди. Модомики адолат мурод экан, нима сабабдан бир эркакка бир аёл билан турмуш қилиш амр этилмади? Исломуламулари бу саволга шундай жавоб қиладилар: маълумки ислом воқеий диндир. Яъни, у инсонларни покиза ҳаёт кечиршига даъват қилишда ғайривоқеий йўллари тутмайди. Бинобарин, бу қонунда ҳам воқеий инсоний ҳаёт назарда тутилган. Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибаларнинг кўрсатишича ўғил боладан қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчидан, аёл киши эркак кишига қараганда кўпроқ умр кўриши воқеий ҳақиқатдир. Учинчидан, турли фожиалар хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан эркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва бошқа кўплаб сабаблар натижасида инсоният оламида мудом аёлларнинг саноғи эркакларникидан ортиқ бўлади. Демак,

¹⁶ Қуръони Карим. Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б.66-67.

бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлур эди. Яъни, бу аёллар ўзларининг турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолар эдилар. Натижада жамиятда нопоклик ва маиший бузукликлар вужудга келар эди. Шунинг учун Ислом улкан имкониятлари бўлган кишиларга агар адолат қила олишнинг уддасидан чиқсалар бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга рухсат беради ва шу йўл билан бирга аёллар ўртасида адолат қилмай, фақат шахвоний нафсини қондириш учунгина кўп хотин олишга ружу қўйган кимсалар учун охиратда ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради.¹⁷

Европалик бир гуруҳ олимлар олиб борган тадқиқотлар натижаларига караганда, инсон соғлом бўлиши, узоқ умр кўриши учун жисмоний машқлар, дори-дармонлар қаторида никоҳда ҳам бўлиши керак экан.

Олимлар аёлидан айрилган эркаклар ва фарзандини ёлғиз ўстираётган аёллар кўпроқ хасталанишларини ва ўзларини ёмон ҳис қилишларини аниқладилар. Бундан ташқари, 34 ёшгача бўлган уйланмаганларга нисбатан 2,5 баробар камроқ. Деярли шунга яқин ҳолатни аёллар орасида ҳам кузатиш мумкин.

Инсоннинг соғлиғи ва ўлим даражаси бир-бири билан узвий боғлиқ, - дейди профессор Мёрфи. – Инсоннинг узоқ умр кўриши ва соғлом бўлиши қонуний никоҳда яшашига ҳам бевосита боғланган экан¹⁸.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қаторига қонун насл-насаб шажараси бўйича тўғри туғишган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги муносабатларни киритган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг ОКнинг 57-моддасида қариндошлик тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланиши, икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг

¹⁷ Қуръони Карим. Нисо сураси. 4-оят. Изох 2. 67-бет

яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланиши нормаланади.

Назаримизда, амалдаги ОҚнинг 16-моддасидаги “насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида” никоҳ тузишга йўл қўймаслик ҳақидаги қоида аниқ берилмаган кўринади.

Ўзбекистон Республикаси ОҚнинг 57-моддасида қариндошликнинг асосий белгилари ва хусусиятлари кўрсатилган. Унга кўра бир умумий шахсдан (отадан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланадилар. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошчиликнинг яқинлиги, қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади. Қариндошчилик тўғри ва ён шажарага бўлинади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан-иккинчи, эвара-катта бобоси, катта бувисига нисбатан-учунчи даражадаги қариндош ҳисобланади.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланадилар.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллардан яна бири, никоҳланувчилардан бирининг лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги ОҚнинг 16-моддаси 3-қисмида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом¹⁸га биноан, мазкур органлар асосан аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик

¹⁸ Юлдашева Ш.Р. Никоҳ умрни узайтиради./Ҳаёт ва қонун.-Тошкент: 2005. -№4. –Б.33.

¹⁹ Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 53-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширади.

Ушбу Низомга мувофиқ, фуқароларнинг соғлиғи, уларни нормал турмуш тарзини шакллантириш, келажак авлодни тарбиялашда руҳий соғлом бўлмаган хаста беморларни руҳий шифохоналарда давлат ҳисобидан, бепул, имтиёз асосида даволаш ваколати мустаҳкамланган. Ушбу Низом хусусида тўхталиб шуни таъкидлаш лозимки, унда соғлиқни сақлаш муассасига мурожаат қилган шахснинг руҳий ҳолати аниқ тавсифланиб, унга кўра, касалликнинг юқори ёки паст даражада эканлиги кўрсатилиб, аниқ исбот ва далиллар асосида фуқарони руҳий хаста ёки хаста эмаслигини исботлаб бериш нормаланади.

Юқорида “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом хусусида тўхталиб ўтилганлигининг сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25-августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳам ушбу юқоридаги Низом билан ҳамоҳангдир ҳамда ОКнинг 16-моддасида белгиланган руҳий касал ёки ақли заиф шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслигини янада ҳам мустаҳкамлайди.

Никоҳланувчи шахслар қуйидаги касаллик турлари бўйича тиббий кўрикдан ўтишлари лозим:

- ОИВ (ОИТС) юзасидан текшириш;
- ўпка касалликлари;
- тери-таносил касалликлари;
- наркологик касалликлар;
- руҳий касалликлар;

Ушбу юқорида кўрсатилган икки Низом асосида никоҳланувчилар никоҳдан ўтишлари билан ўзларини оила олдидаги мажбуриятига, ўз хатти-ҳаракатларига руҳий ҳолатдан жавоб бериш ва уни тушуниб етиш мумкинлигини англашиш, келажакда эр-хотинлик мажбуриятларини амалга

оширишга қанчалик қодир ёки қодир эмасликларига кафолат бўлиб хизмат қилади. Никоҳланувчилар никоҳ муносабатларига кираётганларида тўлақонли равишда ўзларининг хатти-ҳаракатларига жавоб берадиган бўлишлари, яъни муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Мазкур бобни ўрганиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

ОКнинг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларда қуйидаги шахслар ўртасидаги никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган:

а) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар-бола-ота-она-бобо-буви-катта бобо-катта буви ва ҳ.к;

б) туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида;

в) фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида

Фикримизча, ён шажара бўйича яқин қариндошлар-тоға-ҳола, амаки ва жиянлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланиши ҳам ОКнинг 16-моддасида ўз ифодасини топиши лозим.

II-БОБ. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари

2.1. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби

Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ўзининг назарий-ҳуқуқий асослари билан фуқаролик ҳуқуқи назарияси бўйича битимларни ҳақиқий эмаслиги асослари ўртасидаги нисбатни ўрганиш муайян аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ўртасидаги боғланишни аниқлаш учун энг аввало фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш лозим. Шунинг эътирофи этиш лозимки, ушбу масала бўйича фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги олимлар ўртасида ҳам, оила ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар ўртасида баҳс-мунозаралар мавжуд.

Е.Суханов оила ҳуқуқини хусусий ҳуқуқ таркибига киради,- деб ҳисоблайди²⁰. М.Антокольская эса оила ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос ички таркибий тузилмаси бўлган кичик соҳаси деб кўрсатади²¹. Г.С.Иномжонова эса фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқининг қатор умумийликларини инкор этмаган ҳолда оила ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимида ўзининг предмети ва тартибга солиш усулига эга бўлган мустақил ҳуқуқ тармоғи деган фикрни илгари суради²². Агарда оила ҳуқуқи бўйича илмий адабиётлар умумий мазмунига назар соладиган бўлсак, муайян тадқиқотчилар оилавий-ҳуқуқий категориялардан, тушунчалардан фойдаланган, бироқ аксарият ҳолларда соф оилавий-ҳуқуқий категориялар билан иш кўришга ҳаракат қилганлар. Фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқида битимларни ҳақиқий эмаслиги ва никоҳни ҳақиқий эмаслиги нормаларининг тузилиши, мазмуни, тушунчавий қурилмаларида ҳам боғланиш заифлигини ёки умуман йўқлигини кўриш мумкин. ФКнинг 9-боби (101-128-моддалари) битимларга бағишланиб, уларда битим тушунчаси, шакли, турлари битимларни ҳақиқий саналмаслик асослари, тартиби, оқибатлари батафсил тартибга солинган бўлса, ОКнинг 3-боби (13-17-моддалари), 8-боби (49-56-моддалари) никоҳ тузиш тартиби, асослари, никоҳ тузишга монелик

²⁰Гражданское право. Т 1.- М.: -Теис, 1998. -9 с.

²¹ Антокольская М.В. Семейное право.-М.: Юристъ, 2002. -31 с.

киладиган ҳолатлар, никоҳни ҳақиқий эмаслиги оқибатларига бағишланган. ОКнинг бу борадаги нормалари шундай тузилганки, гўёки ФКнинг бу борадаги нормалари мавжуд эмас, ёхуд ушбу муносабатлар фақат ОК асосида ҳал этилади. Бундай ёндошувнинг хатолиги шундаки, ОК нормаларини бу борадаги мутлақ мустақиллиги (ФК нормалари билан боғланмаганлиги) уни муҳим ва бой ҳуқуқий тартибга солиш услубидан, механизмдан маҳрум бўлишини англатади. Бу сунъий ажралишга олиб келади. Ахир яқин вақтларгача оилавий муносабатлар фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солингани (баъзи ривожланган мамлакатларда ҳали ҳам шундай) маълум.

Фуқаролик ҳуқуқида битимлар масаласи ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этилган. Фуқаролик ҳуқуқининг замонавий доктринаси битимлар бўйича аниқ, асосли назарий қоидалар тизимига эга. Гарчи мавзу доирасидан ташқари чиққандай туюлса ҳам, битимлар ҳақидаги умумназарий қоидаларни кўриб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмаган бўлур эди.

ФКнинг 101-моддасида битим тушунчаси белгилаб қўйилган. Бунга кўра битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади.

Ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродаси билан боғлиқ бўлгани сабабли, ушбу эрк-ирода изҳор этилиши, бошқаларга билдирилиши лозим.

И.Б.Зокиров битимни ҳақиқий саналиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим деб кўрсатади:

-биринчидан, битимларнинг музмуни қонунларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

-иккинчидан, битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

²² Иномжонова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оила-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муамолари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореф. -Тошкент: 2005. -10 б.

-учинчидан, битимлар фақат кўриниш учунгина тузилмасдан, балки чиндан ҳам юридик оқибатлар вужудга келтириш мақсадида тузилган бўлиши лозим²³;

-тўртинчидан, битимлар қонун талаб қилган тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

М.Кротовнинг фикрича, битим тузишда шахснинг эрки-иродаси эркин ва ташқи тазйиқлардан ҳоли шаклланган бўлиши лозимдир²⁴.

Битимларни ҳақиқий саналмаслиги юқоридаги талабларни бузилиши билан боғлиқ. Фуқаролик ҳуқуқи назарияси бу борада муайян асосларни ишлаб чиққан. Унга кўра, битимларни ҳақиқий саналмаслиги қуйидаги сабаблар билан боғланган бўлиши мумкин:

а) битим субъекти билан боғлиқ нуқсонлар. Агарда битим муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган бўлса, ёхуд қонун бундай ваколат бермаган шахс билан тузилган бўлса (масалан, муомала лаёқати чекланган шахс) бундай битим ҳақиқий ҳисобланмайди;

б) эрк-иродани шаклланишида нуқсонлар мавжуд бўлган битимлар. Улар ҳам ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

1) ички ҳоҳишсиз тузилган битимлар. Бундай битимлар жумласига зўрлик, қўрқитиш орқали тузилган битимлар, шунингдек, ўз хатти-ҳаракати оқибатини тушуна олмайдиган шахс томонидан тузилган битимлар киради;

2) битим тузишга ҳоҳиш ва ирода нотўғри шакллантирилган битимлар. Бунда янглишиш натижасида тузилган ёхуд оғир ҳолатга тушиб қолганлиги сабабли тузилган битим киради. Бунда битим тузувчида муайян ҳоҳиш бор, бироқ бундай ҳоҳиш бошқа субъектлар томонидан ғайриқонуний равишда шакллантирилган бўлади.

в) битим шаклида нуқсон бўлган битимлар (ёзма шаклига, нотариал гувоҳлантиришга, давлат рўйхатидан ўтказишга риоя қилмаслик);

д) сохта ва кўз бўяш мақсадида тузилган битимлар²⁵.

²³ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.181-182.

²⁴ Гражданское право. Часть 1./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1996. -224 с.

Кўриниб турибдики, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги масаласида ҳар тарафлама асослангандир (ҳам оммавий-ҳуқуқий манфаатларни муҳофаза қилиш, ҳам хусусий-ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш) пухта ишланган негизларга таянади. С.С.Гулямов таъкидлаганидек, битимларни ҳақиқий саналмаслик институти фуқаролик ҳуқуқий битимларни амалга оширишни қонуний чегараларини белгилаш, уларга риоя қилинмаган тақдирда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг инсофли иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали бозор иқтисодиётини нормал фаолият кўрсатиши ва хусусий-ҳуқуқий қадриятларни ҳимоя қилиш вазифаларига хизмат қилади²⁶. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам битимларни ҳақиқий эмаслиги институти ҳам оила манфаатларини, ҳам жамият манфаатларини, ҳам оила аъзоларини манфаатларини ҳимоя қилади. Шу муносабат билан битимларни ҳақиқий саналмаслиги фақат оммавий-ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган,- деган қарашларга қўшилиб бўлмайди. Масалан, баъзи илмий асарларда битимларни ҳақиқий саналмаслиги орқали “хусусий ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш, унинг хусусий ҳуқуқий аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар муболаға характерига эга”, битимларни ҳақиқий саналмаслигини олдини олиш фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ эмас²⁷, - деган мулоҳазалар учрайди. Бунга асос қилиб битимни тузишга сабаб бўлган ҳоҳиш ва эрк-ирода битим тузувчи ҳаракатлари мотиви орқали вужудга келади. Мотив-бу кишининг индивидуал манфаатларини ифодалайди. Бироқ, битимларни ҳақиқий эмаслиги асослари тизимида мотив мавжуд эмас, деган важлар келтирилади. Лекин бу унчалик тўғри эмас. Баъзи ҳолларда битим тузувчи ҳаракатлари мотиви битимни ҳақиқий эмаслигини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, ФКнинг 114-моддасига кўра ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ асосларига номувофиқ бўлган

²⁵ Гражданское право. Часть 1./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1996. -С.232-242.

²⁶ Гулямов С.С. Понятие и признаки сделок в теории и гражданском законодательстве РУ. //Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари.-Тошкент. ТДЮИ, 2007. -56 б.

битимларда мақсад, мотив битимни ҳақиқий эмаслиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биз учун ниҳоятда аҳамиятга эга бўлган энг муҳим масалалардан бири - бу битимларни ҳақиқий саналмаслиги бўйича фуқаролик-ҳуқуқий асосларни оила-ҳуқуқий муносабатларга, хусусан никоҳни ҳақиқий эмаслиги бўйича вужудга келадиган муносабатларга қўллаш мумкинми, - деган масаладир. Бунда биринчи галда никоҳнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш талаб этилади. Никоҳ ўз моҳиятига кўра оилавий-ҳуқуқий битим ҳисобланади. Эр-хотин бундай битим тузиш орқали улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Бундай битим икки томонлама битим ҳисобланади.

М.В.Антокольская никоҳни шартнома сифатидаги, сирли синоатли ҳолат сифатидаги ва алоҳида турдаги институт сифатида (*sue generis*) ҳуқуқий назарияларини ўрганиб шундай хулосага келади: “никоҳ тузиш тўғрисидаги келишув ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича фуқаролик шартномасидан фарқ қилмайди. Унинг ҳуқуқ билан тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтиради ва шартнома ҳисобланади. Айни вақтда никоҳ ноҳуқуқий соҳада никоҳланувчилар томонидан худо олдида қасамёд, ёхуд ахлоқий мажбурият ёки мулкӣ битим сифатида қаралиши мумкин”²⁸. Шу билан бирга оила ҳуқуқида никоҳга нисбатан бошқача нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Унга кўра, никоҳ эр-хотин ўртасида оила куриш ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинадиган, ўзаро севги ва ҳурматга асосланган эркак ва аёлнинг ихтиёрий, эркин ва тенг ҳуқуқли иттифоқидир²⁹. О.А.Хазова³⁰, А.М.Нечаева³¹ ҳам никоҳга юқоридагига ўхшаш таъриф берадилар. Улар никоҳ эр-хотиннинг иттифоқи,

²⁷ Мамедкеримова Н.А. Недействительности сделок по незаконному содержанию по российскому гражданскому праву. Автореф. дис... канд. юрид. наук. -Махачкала. 2002. -9 с.

²⁸ Антокольская М.В. Семейное право. -М.: 1999. -С.109-114.

²⁹ Большой юридический словарь. М.: - 1997. -57 с.

³⁰ Комментарий к семейному кодексу РФ. /Отв.ред. И.М.Кузнецова.-М.: 1996. -33 с.

³¹ Нечаева А.М. Семейное право. Курс лекций.-М.: 1998. -95 с.

турли жинслар ўртасидаги муносабатлар шакли, давлат ва никоҳланувчилар учун ўзига хос рамзий маънога эга, - деб, ҳисоблайдилар.

Нафақат МДХ мамлакатларида, балки бошқа турли ҳуқуқ тизимларида ҳам никоҳнинг ҳуқуқий табиатига турлича қарашлар мавжуд. Хорижий давлатлар оила ҳуқуқини ўрганган мутахассис Е.А.Васильев хорижий давлатларда никоҳга нисбатан уч хил концептуал нуқтаи назар мавжудлигини қайд этади: никоҳ- шартнома (энг кенг тарқалган концепция), никоҳ – статус (ҳолат, мақом), никоҳ - ҳамкорлик (шерикчилик)³².

М.Антокольская барча нуқтаи назарларни умумлаштириб никоҳга таъриф беришга уринади. Унга кўра никоҳ- оилавий-ҳуқуқий алоқаларни вужудга келтирувчи муҳим юридик факт бўлиб, оилани барпо этишга қаратилган ҳолда белгиланган тартибда қонун талабларига риоя қилинган ҳолда тузиладиган эркак ва аёлнинг эркин ва ихтиёрий иттифоқидир.

Ўзбекистонда оила ҳуқуқи қандай концепцияга асосланади,- деган савол туғилади? Бундай концептуал асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида, ОКнинг 1-4 ва 39-36-моддаларида ўз ифодасини топган, деб айтиш мумкин. Бунда никоҳни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурматга, ҳамжиҳатликка асосланган эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи эканлиги ОКнинг 1- 2-моддаларида ўз аксини топган.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов ОКнинг 6-моддасида оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланиш шартлари белгилаб қўйилган. Унга кўра оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган оила аъзолари ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари оилавий муносабатларнинг моҳиятига нисбатан зид келмаган тақдирдагина қўлланилишини кўрсатади. ОК оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашни чекламайди. Асосий талаб фуқаролик ҳуқуқи нормалари оилавий муносабатларнинг моҳиятига зид

келмаслиги керак. Демак, зид келиш ёки келмаслиги қонун ҳужжатларига нисбатан эмас, балки оилавий муносабатларнинг моҳиятига нисбатан талаб қилинади. Бундай чеклашга сабаб оилавий муносабатлар фуқаролик муносабатларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга³³. Ҳақиқатан ҳам, оилавий муносабатларда шахсий муносабатлар устувор аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Демак, фуқаролик қонунларини қўллаш шахсий муносабатларга путур етказмаслиги шарт. Ва ниҳоят, ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган на умумий, на махсус оилавий-ҳуқуқий норма мавжуд бўлмаслиги лозим.

ОКнинг 7-моддасида оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонунларининг ўхшашлик билан қўлланиш асослари белгилаб қўйилган. Унга кўра, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви билан тартибга солинмаган ва бундай муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, моҳияти жиҳатдан ушбу муносабатларга зид келмайдиган оила тўғрисидаги ва (ёки) фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларини тартибга солувчи нормалари қўлланилади (қонун ўхшашлиги асосида). Бундай нормалар бўлмаган тақдирда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари оила ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойилларига таянган ҳолда (ҳуқуқ ўхшашлиги), шунингдек инсонийлик, оқиллик ва адолат тамойилларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оила қонунчилиги оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик қонунчилиги нормаларини ва фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойилларини қўллашга йўл қўяди. Тадқиқот мавзуси никоҳни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ масалалар эканлиги сабабли битимни ҳақиқий эмаслиги масалаларини

³² Гражданское и торговое право капиталистических государств. Учебник./Под ред. Е.А.Васильева. - М.: 1993. -С. 515-531.

³³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар./Х.Раҳмонқулоа таҳрири остида.- Тошкент: Адолат, 2000. -24 б.

тартибга солувчи фуқаролик нормаларини никоҳни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ масалаларда қўллаш имкониятини мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Л.М.Пчелинцева фикр-мулоҳазалари эътиборга молик деб айтиш мумкин. У ОКни қатор нормалари фуқаролик қонунчилиги нормаларини оила муносабатларида қўлланиш шартлиги ҳолатларини, шунингдек Оила ҳуқуқи учун ФКнинг асосий негиз қоидаларини мужассамлантирувчи ФКнинг нормалари (масалан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати тўғрисидаги, фуқаронинг номи, турар-жойи тўғрисидаги зарар, маънавий зиён тўғрисидаги, битимларни ҳақиқий эмаслиги тўғрисида, даъво муддатлари, жавобгарлик тўғрисидаги нормалари) муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир³⁴. Демак, никоҳни ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги масалаларга зарурат бўлганда фуқаролик нормаларини қўллаш мумкин. Бундай зарурат вужудга келиши ёхуд келмаслиги ҳақидаги масала соф назарий масала эмас. ОК ва ФКнинг тегишли нормалари қиёсий ўрганилганда оила ҳуқуқи нормалари нисбатан кенг қамровли эмас эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар никоҳни битим эканлигини, юридик факт эканлигини, икки томонлама келишув эканлигини, эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи ҳуқуқий асос эканлигини эътиборга олсак, ФКнинг битимлар ҳақидаги нормаларидан никоҳ ҳақиқий эмаслигининг ҳуқуқий асослари доирасига киритиш мумкин (агарда ОКда тегишли нормалар етарли бўлмаган тақдирда).

Никоҳ ҳақиқий эмаслигининг ҳуқуқий асослари никоҳ битимини қуйидаги ҳолатларда ҳақиқий эмас деб ҳисоблайди:

а) никоҳ битимининг субъектлари ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ нуқсонлар (ОКнинг 15-16-моддалари);

б) никоҳ битимини тузишда эрк-иродани ва хоҳишни нотўғри шакллантириш билан боғлиқ нуқсонлар (ОКнинг 14-моддаси, 49-моддаси 3-қисми);

в) сохта никоҳ (ОКнинг 54-моддаси).

³⁴ Пчелинцева Л.М. Семейное право России. М.: Норма, 2008. –С.35-36.

Ушбу ҳуқуқий асосларни қўллашда ФКнинг тегишли нормалари ўзига хос методологик восита бўлиши мумкин. Бундай методологик асос вазифаси турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, ОКнинг 16-моддаси 3-қисмига кўра муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган никоҳ ҳақиқий эмаслиги масаласи кўрилганда ФКнинг 22-23, 30-31-моддалари (фуқаронинг муомала лаёқатини, муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш асослари ва тартиби, фуқаро муомала лаёқатини чеклаш асослари ва тартибини белгиловчи нормалар) судлар диққат эътиборида бўлиши табиий. Бинобарин никоҳни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ муносабатларга фуқаролик қонунчилиги бевосита қўлланилмаган тақдирда ҳам, Л.Пчелинцева кўрсатганидек, фуқаролик ҳуқуқи фани томонидан битим тушунчаси, характери, битим тузишда шахс ички хоҳиш ва эрк-иродасини шаклланиши, эрки изҳор қилиш хусусиятлари, эрк-иродани ва хоҳишни ташқи тайзиқлар ва таъсирлар асосида шаклланиши хусусиятлари, битимларни ҳақиқий эмаслик оқибатлари мазмуни, уларни қўлланиш масалалари бўйича ишлаб чиқилган илмий кўрсатмалар, категориялар, методологик асослар судлар учун, ҳуқуқни қўлловчи идоралар, оилавий- ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун никоҳни ҳақиқий эмаслиги масаласи моҳиятини англаб етиш, муайян нуқтаи назарларни шакллантириш, асослантириш, аниқлаш ва низоларни ҳал этишда назарий асос, негиз бўлиб хизмат қила олади.

Энг асосийси, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги масалаларини илмий ўрганиш, таҳлил қилишда фуқаролик ҳуқуқи фанидан фойдаланиш тадқиқотни тўлақонли чуқурлиги, натижаларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим дастури амал вазифасини ўтайди.

Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судида 2004 йил 7 октябрда Б.У.Шожалилов жавобгар М.А.Ариповага нисбатан “Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво талаби билан мурожаат этади.

Даъвогар Б.У.Шожалилов ўз талабини қуйидагича асослайди:

Жавобгар Арипова М.А. билан қонуний никоҳдан 2004 йил 27 августда ўтганлиги ва эртаси куни яъни 28 августда тўйи бўлиб ўтганлиги, тўй кунининг эртасига келин саломдан кейин жавобгар “Сен билан оилавий турмуш қурмайман, мен ота-онамнинг мажбурлаши туфайли тўй ўтказиш учун розилик берганман” деб ота-онасининг уйига кетиб қолганлиги, бир кун ҳам бирга яшамаганлиги, ҳаттоки бирга қўшилмаганлигини билдиради.

Жавобгар М.А.Арипова даъвогарнинг баёнотини асосли эканлиги, даъвогар билан эр-хотин бўлиб яшамаганлигини, уни севмаслигини, ота-онасининг мажбурлашига кўра, тўйга розилик берганлиги ва тўй кунининг эртасига ўз уйига кетиб қолганлигини билдиради.

Суд юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, никоҳни “сохта” тузилган деб, даъвогарнинг талабини қаноатлантириб, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради³⁵.

Ушбу низоли иш кўринишидан тўғри ҳал этилган бўлсада, бироқ, назаримизда, суд ҳал қилув қарорини чиқаришда айрим камчиликларга йўл қўйганлиги кўринади. Жумладан, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи органларнинг никоҳни қайд қилиш муддатига эътибор бермаслиги ҳамда бундай тузилган никоҳни “сохта” никоҳ тузиш ҳуқуқий норма билан эмас, балки “зўрлаш, мажбурлаш”га оид норма талабларига тўғри келишига аҳамият бериш лозим эди. Суд амалиётида бундай туркумдаги ишларни никоҳ тузиш шартларидан бири бўлмиш ихтиёрийлик принципининг бузилиши деб қаралиши лозим. Бўлажак эр-хотиннинг никоҳ тузиш учун белгиланган ихтиёрийлик тўғрисидаги қоида турли усуллар билан бузилиши мумкин. Бу бузилишлар тарафларнинг эътиборсизликлари туфайли бир-бирини айрим камчилик ва нуқсонларни англамасликлари ёки ўз шахси ҳақида нотўғри маълумот беришлари, масалан, куёв катта амалда ишламаса-да, ўзини амалдор қилиб кўрсатиши ва шу каби никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайдиган бузилишлардан фарқ қилади. Никоҳ тузиш учун ихтиёрийлик қоидаси бузилиб, бўлажак эр-хотин бир-бирларини

³⁵ Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2004 йилги архив материалларидан.

жиддий равишда алдаб тузган бўлсалар никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаслиги керак.

Суд амалиётида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ бўлган фуқаролик низоли ишлар ичида рўйхатга олинган бошқа никоҳда туриш тўғрисидаги ишлар судларда кўпроқ, учрашлиги қуйидаги маълумотлардан кўринади; масалан, Тошкент вилояти Чирчиқ, шаҳар судида 1999—2006 йилларда 16 та никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар кўрилган бўлса, улардан 13 таси бошқа рўйхатга олинган никоҳда турганлигини ташкил этади³⁶. Якка никоҳлик тўғрисидаги қоидаларнинг бузилишига асослардан бири бўлиб, никоҳланувчиларнинг турли жойлар (худудлар)да фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи идоралар томонидан рўйхатдан ўтказилиши, айрим фуқароларнинг хорижий мамлакатларда диний расм-русумлар билан никоҳга кириши кўпчиликни ташкил этиши аниқланди.

Баъзи ҳолларда қўш никоҳдан қайси бирини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги масала суд томонидан ўрганилишни талаб этади. Бунда суд тарафларнинг ният-ҳошисини, амалдаги фактик оилавий муносабатларни ҳисобга олиши лозим. Масалан, А.Машарипов ва Б.Алижоновалар 2000 йилда расмий никоҳдан ўтиб турмуш қурадилар. Бироқ, 2004 йилда фактик ажрашганлар. А.Машарипов 2007 йилда Венера исмли аёл билан расман никоҳдан ўтади. 2008 йилда А.Машариповнинг биринчи никоҳдан ажралмасдан бошқа никоҳга киргани прокуратура органларига маълум бўлиб, кейинги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво кўзгатилади. Бироқ Машариповнинг аввалги никоҳи даъво кўрилгунча бекор бўлади ва суд даъвони рад этади³⁷.

М.В.Кротов одатда ҳар доим сўнгги, охириги никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши лозим,-деб кўрсатади. Бироқ, иккинчи никоҳни ҳақиқий эмаслигига асос бўлувчи ҳолатлар бартараф этилса, сўнгги никоҳ сақланиб

³⁶ Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 1999-2006 йилги архив материалларидан

³⁷ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2007 йилдаги ҳал қилув қарори.

қолиши мумкин. Бундай ҳолатларда биринчи никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлишини судлар ҳисобга олишлари лозим³⁸.

Айниқса ҳозирги вақтда мамлакатлар ўртасида миграция жараёни кучайиб бормоқда. Кишилар расмий никоҳдан ажралмасдан бошқа давлатларда бошқа расмий никоҳ тузиш ҳолатлари учрамоқда. Демак, бундай ҳолатларда судлар тарафларнинг мақсадлари ва амалдаги ҳолатларини ҳисобга олсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ф.М.Отахўжаев, Г.С.Инамжанова, И.Жўраевалар насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, васийликка, хомийликка олинганлар билан васий ва хомийлар ўртасида ҳам никоҳ тузиш ҳақиқий саналмаслиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирадилар. Бу фикрга қўшилиш қийин чунки бунда ҳеч қандай қариндош-уруғчилик йўқ, бироқ никоҳ ёшига етмаганлар билан уларнинг розилигисиз никоҳдан ўтиш амалдаги қонунларга асосан ҳақиқий деб саналмайди. Шунинг учун хомийликка олинганлар билан хомийлар ўртасида никоҳ тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда оила курсалар бу ерда ҳеч қандай ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмаган бўлади, - деб ҳисоблаймиз.

ОКнинг 165-моддасига биноан, фарзандликка олинган шахсда фарзандликка олган ота-онанинг бошқа фарзандлари қатори барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Фарзандликка олинганлар эса, қонуний ота-оналарига ва уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини юқотадилар ҳамда мажбуриятлардан озод бўладилар.

Юқоридагиларга асосан, фарзандликка олинганлар фарзандликка олувчилар билан қариндошлик муносабатларига кирганлиги сабабли улар

³⁸ Гражданское право. Ч.3./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. – 330 с.

ўртасида тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш лозим,- деган фикрни асосли деб ҳисоблаймиз³⁹.

Фарзандликка олиш ҳуқуқий расмийлаштирилган акт ҳисобланади. Фарзандликка олинганлар оиладаги бошқа фарзандлар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Борди-ю, фарзандликка олган эр-хотин ажралиши ёки суд тартибида уларнинг никоҳлари ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда ҳам бу ҳолатлар фарзандликка олинганлик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатга таъсир этмайди.

И.Б.Зокировнинг фикрича, руҳий касаллик ёхуд ақли заифлик кишини онгли ҳаракатлар қилиш ва ўз ҳаракатларининг юридик оқибатларини англаб етиш қобилиятини бузиши мумкин. Ушбу шахслар ФКнинг 30-моддасига асосан фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилишлари ва уларга нисбатан васийлик тайинланиши мумкин. Ҳар қандай ақли заифлик ёхуд руҳий ҳолат бузилишининг ўзи муомалага лаёқатсиз деб топилишига асос бўлавермайди. Суд махсус суд-психиатрия экспертизасини тайинлайди ва экспертиза ҳулосаси асосида қарор чиқаради⁴⁰.

Муомалага лаёқатсиз шахс шахсан ўзи фуқаролик муомаласида битимлар тузишга ҳақли эмас. Унинг номидан битимларни унинг васийси тузади. Демак, муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди. Васий эса васийлиги остидаги шахс манфаатини кўзлаб унинг номидан никоҳ тузишга ҳақли эмас.

Л.М.Пчелинцеванинг фикрича, “муомалага лаёқатсиз шахс ўз ҳаракатлари оқибатини тушунмагани, уни идрок эта олмагани сабабли ўзини никоҳ тузиш бўйича эрк-иродасини ифода эта олмайди. Бироқ, кейинчалик никоҳ тузилгандан кейин у тузалиши, унинг муомала лаёқати суд томонидан тикланиши ва никоҳни давом эттиришга ижобий розилик билдирилиши мумкин. Демак, ушбу ҳолатда никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳолати бартараф

³⁹ Хўжаниязов Т. Недействительность брака и его правовые последствия. Автореф. дис... канд. юрид. наук: -Ташкент: 1976. –С.12-13.

⁴⁰ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -87 б.

этилиши мумкин. Суд бундай ҳолда никоҳни ҳақиқий деб топиши мумкин»⁴¹. Фикримизча, Л.М.Пчелинцеванинг ушбу фикрлари бироз баҳс-мунозаралидир. Бу ҳолат ФКнинг 9-моддаси, ОКнинг 14-моддаси нормаларига зид, - деб ҳисоблаймиз. Назаримизда, муомалага лаёқатсиз шахснинг эрки-иродаси мавжуд бўлмайди. Демак, муомалага лаёқатсиз, - деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий деб топиш ғайриқонунийликка йўл очади. Фикримизча, бундай никоҳ санация қилинмаслиги лозим ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий эмас, - деб топилиши керак. Муомалага лаёқатсизликни тугаши (соғайиш) ва суд қарори билан бекор қилиниши ҳолатидан кейин у шахс янги никоҳ муносабатига кириши мумкин.

М.В.Кротов муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган никоҳ агарда муомалага лаёқатсиз шахс манфаатларига жавоб берса, васийлик ва ҳомийлик органи розилиги билан суд томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин,- деб ҳисоблайди⁴². Фикримизча, муаллиф бунда никоҳ институти билан васийлик институтини вазифаларини чалкаштирмоқда. Никоҳдан асосий мақсад, оила қуриш мақсадини кўзланади, васийлик тайинланишидан мақсад, муомалага лаёқатсизлар манфаатини муҳофаза қилишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муомалага лаёқатсиз шахснинг манфаатлари никоҳ орқали ҳимоя қилиниши мантиққа зид ҳисобланади.

Никоҳга ўтиш жараёнида никоҳланувчиларнинг руҳий ҳолати қанчалик тиниқ бўлишдан қатъи назар, мавжуд ҳужжатлар, уларнинг ҳаётидаги юриш-туришлари, бошқа шахслар билан бўладиган муомаласи, уларни ақли заифлигидан далолат берса, никоҳни қайд этиш рад этилади. Никоҳ тузилган бўлса, никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатлар фикр-мулоҳаза юритган эдик. Бундай ҳолларда никоҳланувчилар муомалага лаёқатсиз деб топилмаган ҳолда ҳам

⁴¹ Пчелинцева Л.М. Семейное право России. -М.: Норма, 2008. -76 с.

⁴² Гражданское право. Ч.3./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. –330 с.

манфаатдор шахслар никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида даъво талаби билан судга мурожаат этишлари мумкин⁴³.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақида тегишли белгилари бўлган шахс билан тузилган никоҳ, никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари асосида тузилганидан ёки ўз розилигининг оқибатини тушунмаган шахс томонидан тузилганидан қатъи назар, манфаатдор тарафга бундай никоҳнинг ҳақиқийлиги ҳақида низолашиш ҳуқуқи берилиши лозим. Бундай ҳолларда никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш учун асос бўлиб, ихтиёрийлик коидасининг бузилиши эмас, балки никоҳ тузувчилардан бирининг муомалага лаёқати чекланганлиги, муомалага лаёқатсизлиги ҳисобланади.

Никоҳ тузишда никоҳланувчиларнинг ихтиёри ўзида бўлишлиги билан бирга, бу эрк хушёр тарзда бўлиши, ақли-ҳуши жойида, онги тиниқ ҳолда изҳор қилинган бўлиш лозим. Бу деган сўз, никоҳ тузилгандан сўнг ақли заиф инсон билан оилавий ҳаёт кечириш лозим,-деган маънони англатмайди.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиш, шу билан суд руҳий экспертизасининг хулосаси бўйича никоҳланувчилардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақидаги хулоса бўлса ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Фикримизча, судга тақдим этилган эр-хотиннинг руҳий касаллиги ҳақидаги маълумотнома никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши билан никоҳланувчиларни ортиқча суд харажатларидан озод этган бўлар эди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни ўрганиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, никоҳ тузишда никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет танқислиги синдроми борлигини бошқасидан яширган ҳоллар учраб туриши юқорида кўрсатиб ўтилган.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. –Тошкент: Адолат, 2000.

Бундай касалликларни нафақат никоҳ тузиш учун, шу билан бир каторда бошқа шахсларнинг саломатлигига нисбатан ҳам ўта хавфли ва зарарли эканлиги ҳақида турли фикрлар билдирилган.

ОҚда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асосларидан яна бири бўлган бу сохта никоҳдир.

ОҚнинг 54-моддасига асосан, эр-хотин сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилиши, сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли эканлиги, эр (хотин) оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса, бундай талб хотин (эр) томонидан қўйилиши мумкинлиги нормаланади.

Фикримизча, ОҚнинг 54-моддасидаги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳуқуқига нафақат прокурор ёки эр ва хотин, балки никоҳ никоҳ тузиш шартларида бири бузилиб тузилган ҳолларда (масалан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ) амалда эр-хотинлар оилавий муносабатларда яшамаган ҳолларда ҳам сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб, жабрланган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари, васий ёки ҳомийлари ҳам даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланиб қўйилса, айти муддао бўлар эди.

М.В. Кротов сохта никоҳ оила қуриш мақсадини кўзламаган ҳолда, яъни қонуний никоҳдан кўзланган юридик оқибатни вужудга келтириш ниятисиз тузилган никоҳ ҳисобланишини кўрсатади⁴⁴. Сохта никоҳ тузган шахслар суд ишни кўриб чиққунига қадар ҳақиқий оила курсалар, никоҳ сохта деб топилмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, никоҳга кирган ҳар иккала тараф ҳам сохта никоҳ қурган бўлсалар, никоҳни сохталигини исботлаш қийин бўлади. Одатда никоҳни сохталигидан қуйидаги ҳолатлар далолат беради:

- а) эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида ҳолда яшашлари;
- б) эр ёки хотиндан бири ёки ҳар иккаласи бошқа шахслар билан амалда (фактик) никоҳ муносабатларига эга бўлишлари;

⁴⁴ Кротов М.В. Недействительность брака.-М.:Юриздат, 1995. -233 с.

в) дархол турар-жойларни алмаштиришлари;

г) умумий рўзгор бўлмаслиги.

Юқоридаги ҳолатларнинг ўзи сохта никоҳ мавжуд деб айтишга асос бўлавермайди. Улар иш бўйича барча далиллар ва “эр-хотин” тушунтиришлари билан баҳоланиши лозим. Баъзи муаллифлар эр-хотинлик асосини улар ўртасидаги “интим” муносабатлар (жинсий алоқа) орқали аниқлаш мезонини таклиф этадилар. Бироқ, бу асосий мезон бўлмаслиги лозим⁴⁵.

Л.М. Пчелинцева сохта никоҳ эр-хотинни (ёки улардан бирини) оила курмасдан никоҳ асосида вужудга келувчи ҳуқуқлардан, улар билан боғлиқ мулкӣ ёки бошқа имтиёзлардан (турар-жойга эга бўлиш), уй-жойга рўйхатдан ўтиш, мол-мулкка эга бўлиш, мерос олиш, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш ва ҳ.к) фойдаланиш мақсадида тузилган никоҳ деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам бунда никоҳни тузувчи эр-хотин (ёки улардан бири) эрк-иродасининг ташқи ифодаси эрк-ироданинг ички мазмунига ва асл мақсадларига мос келмайди⁴⁶. М.В.Антокольская ҳам сохта никоҳни ҳуқуқӣ табиатини таҳлил этар экан, уни қалбаки битим билан таққослайди ва сохта никоҳда ҳам, қалбаки битимда ҳам муайян юридик ҳаракатлар тегишли ҳуқуқӣ оқибатлар вужудга келтириш ниятисиз содир этилишини таъкидлайди⁴⁷.

Суд томонидан сохта никоҳни ҳақиқӣ эмас деб топилиши, бундай никоҳдан ўтган шахсларнинг режалаштирилган ният- мақсадларини амалга оширишга қарши қаратган чораси бўлиб ҳисобланади.

2.2.Никоҳни ҳақиқӣ эмас деб топиш тартиби ва унинг ҳуқуқӣ оқибатлари

⁴⁵ Гражданское право. Ч.3./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект, 1999 -334 с.

⁴⁶ Пчелинцева Л.М. Семейное право России. -М.: Норма, 2008. -77 с.

⁴⁷ Комментарий к Семейному Кодексу Российской Федерации. М.: 1997.- 67 с.

Қонунда белгиланган тартибда эр-хотин оила муносабатларини тугатиш талаблари билан судга (никоҳни тугатиш, никоҳдан ажралиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) мурожаат этишга ҳақлидир.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши юзасидан манфаатдор тарафлар судга мурожаат қилишининг ҳуқуқий асослари хусусида ўтган параграфда тўхталиб, даъво қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича фикр-мулоҳазаларимизни баён қилган эди. Ушбу параграфда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга мурожаат қилишнинг тартиби хусусида тўхталиб ўтамиз.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга мурожаат қилиш тартиби хусусида тўхталишдан аввал, никоҳдан ажралиш масалалари ҳамда никоҳни ҳақиқий эмаслиги ўртасидаги фарқлар хусусида тўхталиб ўтамиз.

Никоҳдан ажралишни қонунда икки тартиби белгиланган:

1) эр-хотинлар ўртасидаги мулкий низолар мавжуд бўлган ҳолларда, суд тартибида (масалан, мулкни бўлиш, эр-хотинлар ўртасидаги ҳамда вояга етмаган болаларга моддий таъминот билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзасидан (алимент ундириш масаласида) ва бошқалар) ажратилинади;

2) низо бўлмаган тақдирда маъмурий тартибда (ФХДЁ органи орқали) жумладан агар:

а) эр-хотин ўртасида вояга етмаган фарзандлари бўлмаса ва улар ажралишга ўзаро рози бўлган тақдирда;

б) тарафлар (эр ёки хотин) суд томонидан бедарак йўқолган, рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

в) ОКнинг 42-43-моддаларида белгиланганидек, содир этган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Никоҳ, эр-хотиннинг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши сабабли ҳамда эр-хотиндан бири ёки ҳар иккисининг аризасига мувофиқ, никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд

томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр-хотиннинг васийси берган аризасига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Никоҳдан умумий тартибда ажратиш суд орқали ҳамда ОКнинг 42-43-моддаларида кўрсатилган ҳолларда маъмурий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш эса, юқорида қайд килинганидек, фақат суд тартибида амалга оширилади. Никоҳдан ажралишнинг ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг юқоридаги белгилари аниқроғи, процессуал тартиби, уларнинг хусусиятлари бўлиб ҳисобланади⁴⁸.

ОКнинг 50-моддасида “никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади” деган қоидада “фақат” сўзига урғу берилишидан мақсад, суддан бошқа бирорта бир давлат органларига, жамоат ташкилотларига бу туркумдаги ишларнинг тааллуқли эмаслиги назарда тутилади.

Юқорида баён этилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабларини судья тайёрлов босқичида унинг хусусиятларини эътиборга олиб етарли даражада тайёрланган деб топгач, суд мажлисига тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради ҳамда тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни суд мажлисида мазмунан кўришда ҳам унинг процессуал хусусиятларига эътибор бериш лозим. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлардан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлардан қуйидагилар билан фарқланади:

1) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда қонун ажратиш учун тўлиқ асосларни белгиламаган, бунда суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашга ва оилани сақлаб қолишга имкони йўқ,- деган хулосага келса кифоя, никоҳдан ажратишга асос сифатида бошқа ҳолатларни аниқ, кўрсатиши шарт

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат, 2000. -101 б.

эмас, никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича эса ОКнинг 49-56-моддаларида асосий сабаблари кўрсатиб берилган, никоҳ шартларини бузиб тузилган никоҳни ҳақиқий эмаслиги юқорида баён этилган, шу сабабли бу асосларни яна қайтадан такрорлашга зарурат йўқ;

2) суд мажлисида тарафларнинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иштирок этсалар, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда эса эр-хотин, шунингдек шу никоҳнинг тузилиши натижасида ҳуқуқи бузилган шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурорнинг иштироки ҳам лозим бўлади;

3) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда суд тарафларни яраштириш ва оилани сақлаб қолиш мақсадида иш кўришни бир неча маротаба қолдиришга, белгиланган олти ойлик муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, бунинг учун судьяда оилани сақлаб қолишга имкон борлиги аниқланган ҳолларда йўл қўйилса, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда суд (судья) даъво аризасидаги талабларни тўплаган ҳужжатларни қанчалик асосли эканлигини текширади ва оилани сақлаб қолишга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга оширмайди;

4) никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда тарафлар суд процессида иштирок этишлари зарур, чунки эр-хотин талаблари ким томони берилганидан қатъи назар, ўзларининг ички ҳиссиётларини, айниқса жабрланувчини алдаш, зўрлаш, сохта тузилган никоҳлар бўйича ўз фикрларини изҳор этишда қатнашишлари лозим. Никоҳдан ажратишда эса, булар қатъи талаб бўлиб кўрилмайди;

5) қонун қайси ҳолларда бошқа шахслар томонидан берилган аризаларни судда кўриш мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Масалан, муомалага лаёқатсиз деб топилган эр(хотин)нинг васийси берган аризасига асосан ҳам никоҳни тугатишга, ишни кўришда унинг иштирок этиши юқорида кўрсатилганидек, процессуал қонунда ўз ифодасини топган. Демак, никоҳ

муносабатлари шахсий ҳуқуқларни амалга ошириш эканлигини инобатга олиб, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларда, тарафларнинг суд процессида иштирокини зарур деб ҳисоблаш керак;

б) агар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда суд у билан боғлиқ мулкӣй низолар, болалар кимнинг тарбиясида қолиши, алимент ундириш тўғрисидаги талабларни ҳам шу процесснинг ўзида ҳал этиши мумкин бўлса, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларда эса, бундай талаблар бир вақтда кўрилмайди, ғайриқонуний тарзда тузилган никоҳ билан боғлиқ юқоридаги ҳолатлар бундан мустаснодир. ОКда тузган никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣй ҳуқуқига оид муносабатлар оила қонунчилиги билан эмас, балки ФК билан тартибга солиниши юқорида кўрсатиб ўтилди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда нафақа ундириш, эр- хотиннинг ўзаро муносабати бўйича ОКнинг 56-моддада кўрсатилган бошқа масалаларни ишни мазмунан кўриш жараёнида муҳокама қилиши лозим.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришда судья суд мажлисининг қисмларига риоя қилган ҳолда иш юритиши лозим. Процесснинг тайёрлов қисмида бажариладиган процессуал ҳаракатларни, ишни мазмунан кўриш қисмида қандай масалалар ҳал қилинишига, суд музокараларида даъвогар, жавобгар бўлган эр (хотин) баёнотлари, даъвони асослаши, эътирозлари ёритилади. Россия Федерацияси Гражданлик процессуал кодексининг 5-моддасига асосан агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида прокурор, васийлик, ҳомийлик органлари ёки шу никоҳнинг тузилишида ҳуқуқи бузилган бошқа шахсларнинг талаби асосида иш бошланган бўлса, суд музокараларида шу шахслар биринчи бўлиб сўзлайдилар⁴⁹.

Процессда қатнашган прокурор ўз сўзида суд мажлисида текширилган далилларни янада таҳлил қилиб, қандай ҳолатлар аниқланганлиги, иш бўйича

қайси қонунга асосланиш лозимлиги, даъво талабларини қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисидаги масалаларни ечишда судга кўмаклашади. Агар прокурор даъво талаблари билан судга мурожаат этмасдан суднинг ташаббуси билан ёки ўзининг ваколати доирасида иш кўришда иштирок этса, иш юзасидан никоҳнинг тузилиши, унинг қонунийлиги ҳақида фикр бериши лозим.

Суд томонидан процесда иштирок этиш учун жалб этилган ёки ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқаруви органлари шу жумладан васийлик, ҳомийлик органлари ҳам иш юзасидан хулоса берадилар.

Агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органи томонидан талаб қўйилган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органлари иш юзасидан хулоса бермайди, балки манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунда белгиланган процессуал ҳаракатларни бажаришлари лозим бўлади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни суд мажлисида кўришнинг охириги қисми ҳал қилув қарорини чиқариш бўлиб, иш кўришнинг бу босқичида суд далилларга баҳо беради, иш бўйича қандай ҳолатлар аниқланганлиги, қайси ҳолатлар аниқланмаганлиги, қайси қонун ҳужжатини тадбиқ этиш лозимлиги ва даъво талаблари қанчалик асосли эканлиги ва бошқа масалалар ҳал қилув қарорида ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

Демак, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни мазмунан судда кўриш билан боғлиқ бўлган талабларнинг энг асосийси иш бўйича даъвогар ва жавобгарлар ўртасидаги мавжуд ҳуқуқий муносабатда никоҳнинг қонуний бўлганлиги тўғрисидаги талаб бўлади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори ушбу талаб асосида чиқарилади. Фуқаролик ишлари судда мазмунан ҳал этилган бўлса, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар юзасидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорлари кўрилган иш юзасидан ечим тариқасида

⁴⁹ Пиляева В.В. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. -

қабул қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори одил судловнинг муҳим хужжатидир. Даъво талаблари асосида суднинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида чиқарадиган ҳал қилув қарори даъвогар, жавобгарнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, шу билан бир қаторда, муҳим тарбиявий таъсир чораларини кўрсатувчи юридик ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Агар суднинг ҳал қилув қарорини судда ҳозир бўлганлар мамнуният билан қабул қилсалар, қарорнинг тўғрилигини тушунсалар, унинг қонуний, асосли, адолатли эканлиги ҳақида фуқароларда шубҳа туғилмаса, шундагина суд ўз олдига қўйган мақсадга эришган ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг янги жиҳатларидан бири бўлиб, бошқа фуқаролик ишлари каби бундай ишларни ҳам биринчи инстанция судида яқка тартибда кўриш ҳисобланади.

Суд ҳал қилув қарорини асослаш қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлар ва унга асос бўладиган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишга асос бўлган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилади⁵⁰.

Суд ишни мазмунан кўриш ниҳоясига етди, - деган хулосага келса, ҳал қилув қарорини чиқариши учун алоҳида ҳонага киради.

Суд ҳал қилув қарорини чиқараётганида никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш ҳақидаги даъво талабларини таҳлил қилади, никоҳ, тузиш тартибига қанчалик риоя қилган- қилмаганлигига аҳамият беради, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қонунда назарда тутилган-тутилмаганлиги ва улар қай даражада тузилганлигини аниқлайди, ушбу никоҳни тузиш натижасида шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада бўлганлиги, ушбу никоҳдан туғилган болаларнинг тақдири, уларга моддий ёрдам

М.: Кнорус, 2003. -153 с.

⁵⁰ Пиляева В.В. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. - М.: Кнорус, 2003. -С.171-172.

кўрсатиш, тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш масаласи, таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган эр-хотиннинг талаблари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга биргаликда орттирилган мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлар ва никоҳдаги шахсларни никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилгандан кейин фамилиясини сақлаб қолиш масалалари кўриб чиқилади. Суд, шунингдек суд харажатларини тақсимлайди, ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби, қарор устидан шикоят бериш муддатини белгилайди ва қонунда кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Қарорнинг шу қисмида суд тарафларга аниқ бўлиши учун “никоҳ ҳақиқий эмас деб топилсин ва никоҳ тузиш ҳақидаги ёзув бекор қилинсин” деб кўрсатиши лозим⁵¹.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантириб чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори мазкур никоҳнинг қайд қилиниши факти — ҳуқуқий муносабатни (никоҳни) вужудга келтирмаганлигини, эр ва хотин учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмаганлигини тасдиқлайди.

ОКнинг 50-моддаси 2-қисмига никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартибига янги қоида киритилди, бунга кўра, “никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганида, паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади”.

Бундай чора ғайриқонуний, ноҳуш ҳаракатлардан жамоатчиликни хабардор қилиш ва ғайриқонуний тартибда тузиладиган никоҳнинг олдини олишга қаратилган тадбир ҳисобланади. ОКнинг 50-моддаси 3-қисмида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлигини рўйхатга олинган жойдаги Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши кўрсатилган. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма юбориш лозимлиги қонуний кучга кирмаган

суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма талаб қилиш ҳолларини олдини олишга қаратилган бўлса, иккинчидан суд ходимларини қонунда белгиланган муддатда ҳал қилув қароридан кўчирма юборишга риоя қилиш интизомига қақришни назарда тутати. Тегишли ҳал қилув қарорининг ижроси никоҳни қайд қилиш идораларида расмийлаштирилади.

Бундан ташқари, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораси ҳам ўз вақтида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарор асосида тегишли ёзувларга ўзгартириш киритиши шарт. Демак, белгиланган қоидаларга риоя этмаслик суд фаолиятини бу ишдаги сусткашлиги, охир оқибатда фуқаролик ишидаги тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келиши мумкин.⁵²

Вужудга келмаган (тузилмаган) никоҳ билан ҳақиқий бўлмаган никоҳ ўртасида фарқлар мавжуд. Турмушда баъзан эр ёки хотин оилавий муносабатларини қонун талабларига риоя қилмаган ҳолда ўзларининг раъй-хоҳишларига асосланиб никоҳ тузадилар. Бундай тузилган никоҳни улар қонуний тузилган никоҳдек фараз қиладилар.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳ ташқи кўринишидан тузилмаган никоҳга ўхшашдек кўринади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда никоҳ тариқонуний тартибда бўлса-да тегишли никоҳни қайд қилиш идораларида расмийлаштирилган бўлади ва бу никоҳни белгиланган тартибда кўриб ҳал этилмагунча ҳақиқий никоҳдек ҳисобланаверади. Бунда никоҳни қонунга тўлиқ амал қилмаган ҳолда тузилганлиги кейинчалик маълум бўлиб қолади. Шунинг учун бу никоҳ ҳуқуқий жиҳатидан тўлиқ бўлмаган ҳисобланади⁵³.

Фикримизча, никоҳ қайси йил, қайси кун, қайси ойда тузилган бўлишидан қатъи назар, у ўша кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб топилиши асосли бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида шахсларнинг бевосита бузилган шахсий ҳуқуқларига нисбатан даъво муддати

⁵¹ Песин Я.Е. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1971. -135 с.

⁵² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 2001. -208 с.

⁵³ Гражданское право. Ч.3./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. –С.326-327.

кўлланилмаслиги бевосита никоҳни ҳақиқий эмас деб топилишига ҳам тааллуқлидир.

Ф.М.Отахўжаев вужудга келмаган никоҳ масаласини қуйидагича изоҳлайди: бевосита никоҳни расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан никоҳни расмийлаштирилиши вужудга келмаган никоҳ деб ифодаланади.

Тузилмаган никоҳ эса, ҳақиқий бўлмаган никоҳга нисбатан мутлақо бошқача бўлиб, бундай никоҳда никоҳ тузишнинг умумий қоидалари тубдан бузилган бўлади, никоҳ тегишли органларда рўйхатдан ўтмаган, никоҳ тузиш учун тарафларни ўзаро розиликлари олинмаган, никоҳни қайд қилишга оид умумий қоидаларига риоя этилмасдан никоҳланувчилардан бирининг иштирокисиз тузилиб, ҳаттоки улардан бирининг тузилган никоҳда имзоси ҳам бўлмаслиги билан унинг ташқи, ички ва бошқа ҳолатлари фарқланади.

Тузилмаган никоҳда тарафларнинг асосий ғайриқонуний ҳаракатларидан бири бўлиб, никоҳ никоҳни қайд қилишга ваколатли идораларда амалга оширилмасдан, балки шундай ваколатга эга бўлмаган давлат ва жамоат ташкилотларига жумладан, узоқ сафарга чиққанлар кема командирлари, ҳарбий қўмондонлик томонидан, Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл консуллик идоралари ва бошқалар томонидан қайд қилинган бўлади.

Кўп ҳолларда диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳлар ҳам учрайди, бундай никоҳлар ҳам тузилмаган никоҳлар қаторига киради. Фикримизча, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ, амалий никоҳ муносабати бўлиб ҳисобланади. Юқорида баён қилинган ҳолатларни ҳақиқий бўлмаган никоҳлар билан тенглаштириш асосли бўлмайди, чунки никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шартлар ОКнинг 14-16-моддалари ҳамда 49-54-моддаларда кўрсатилган. Бу қоидаларда эса, тузилмаган никоҳ тўғрисида умуман фикр юритилмаган. Бундан ташқари, манфаатдор шахсларга никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги судга даъво талаблари билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилган бўлиб, суд бундай ишларни ФПКда белгиланган қоидалар асосида ҳал этиши лозим бўлса, тузилмаган никоҳда

эса тарафларга Оила ва процессуал қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилмаган, чунки бундай ҳуқуқий жиҳатлар қонунда ўз ифодасини топмаган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда эса, эр-хотин қонунда белгиланган айрим ҳуқуқлардан фойдалана оладилар. Масалан, туғилган фарзанд ҳақиқий никоҳда туғилган фарзандлардек ҳуқуқларга эга бўлиши, инсофли эр-хотинлар ОКнинг 118-119-моддаларига мувофиқ, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Фикримизча, тузилмаган (вужудга келмаган) никоҳдан туғилган фарзандларнинг алимент (таъминот)га бўлган ҳуқуқларини умуман рад этиш адолатсизлик деб қараш лозим. Чунки айрим ота-оналарда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг ҳали етарли даражада бўлмаганлиги никоҳ тузишга нисбатан юқорида қайд қилинган қонунда назарда тутилмаган йўлни танлашга сабаб бўлади. Бундай ҳолларда суд нафақат никоҳланувчиларнинг, шу билан никоҳни ғайриқонуний тарзда расмийлаштирган идораларнинг ҳам айби борлигига эътибор қаратиши лозим. Шунинг учун тузилмаган (вужудга келмаган) никоҳдан туғилган фарзандларга ҳам алимент ундириш ҳуқуқидан фойдаланиш, мумкинлиги ҳақидаги масалани қонун доирасида ҳал этиш лозим,-деб ҳисоблаймиз. Бу билан қонун айбсиз фарзандларни ҳимоя қилган бўлади.

ОКда ҳақиқий бўлмаган никоҳни тузилмаган (вужудга келмаган) никоҳдан фарқи ҳақида тегишли ҳуқуқий норма ўз ифодасини топмаган. Шунинг учун қонунчиликдаги бу камчиликни тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу билан никоҳ тузиш қоидаларига енгилтаклик билан қарашни, уларни бузишни олди олинган бўлади.

ОКнинг 13-моддаси 2-қисмида фақат диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳлар ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятсиз деб кўрсатиш билан чегараланган.

2.3.Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқий оқибатлари

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолардан суд тартибида никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши, никоҳланувчи тарафларга нисбатан қўлланиладиган тадбирӣ чора бўлиб, эр-хотиннинг қонун талабларига риоя этмасдан никоҳ тузиш тартибига оид қоидаларни қўпол равишда бузишга доир ҳаракатларига давлатнинг ва жамиятнинг салбий муносабатини англатади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, қонун никоҳ ва оила муносабатларида муайян тартиб, қоидани ўрнатишдан асосий мақсади кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлашдан иборат. Шу сабабли муайян формал тартиб ва қоидаларга риоя қилинмаслик кишилар манфаатига мувофиқ бўлса, истисно тариқасида бунга йўл қўйилади. Бу ҳол ҳақиқий бўлмаган никоҳни легаллаштириш имконияти белгилаб қўйилганида яққол намоён бўлади. Баъзи муаллифлар бунӣ никоҳни соғломлаштириш, поклаш (санация) деб атайдилар. Ушбу иборани илк бора Е.А.Поссе, Т.А.Фадеева қўллаганлар⁵⁴. М.В.Кротовнинг фикрича никоҳ тузишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларда тузилган никоҳни суд томонидан ҳақиқий деб топилиши никоҳ санацияси ҳисобланади. Никоҳ санациясининг хусусияти шундан иборатки, суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича ишни кўриб чиқиш пайтидаги ҳолатларга асосий диққат эътиборини қаратади. Масалан, рўйхатга олинган никоҳда турган эр бошқа аёл билан яна никоҳ тузганда унинг биринчи никоҳидаги хотинининг вафот этиши кейинги тузилган никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳолатини бартараф этади. Никоҳ санациясини никоҳ тузиш тўғрисидаги келишувни битимларни фуқаролик-ҳуқуқий табиатига қарама-қарши қўйиш керак эмас, балки уни умумий қоидадан истисно сифатида қабул қилиш керак. Россия Федерацияси ГК 171-моддаси 2-банди ва 172-моддаси 2-бандига биноан никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этилиши ҳолларида ўз-ўзидан, автоматик равишда санация қўлланавермайди, балки судни никоҳни ҳақиқий

⁵⁴ Поссе Е.А., Фадеева Т.А. Проблемы семенного права. - Ленинград: ЛГУ, 1976. -19 с.

деб, яъни соғломлаштириш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Никоҳни сақлаб қолиш эр-хотин манфаатларига мувофик келгандагина суд санация тўғрисида қарор қабул қилади. Агарда муомалага лаёқатсиз шахс томонидан тузилган никоҳ унинг манфаатларига хизмат қилса, суд бундай битимни қонуний деб топиши мумкин. Шундай қилиб, никоҳни санация қилиш битимларни санация қилишнинг хусусий (махсус) кўриниши сифатида қабул қилиш лозим⁵⁵. Л.М.Пчелинцева ҳам никоҳ санацияси бўйича шунга ўхшаш фикрларни айтади. Унинг кўсатишича, қонунда белгиланган шартлар бузиб ёхуд уларга зид ҳолда тузилган никоҳни ҳақиқий деб суд томонидан топилиши никоҳ санацияси (соғломлаштириш) ҳисобланади. Суд томонидан эр-хотин ўртасида яқин қон-қариндошлик мавжудлиги сабабли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни суд томонидан кўриб чиқишда никоҳни санация қилишга йўл қўйилмайди. Айни вақтда никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг бартараф этилиши, тугаши содир бўлган барча ҳолларда ҳам суд томонидан никоҳни санация қилиш шартлигини, мажбурийлигини қонун назарда тутмайди. Россия Федерацияси ОК 29-модда 1-қисмига кўра, никоҳни соғломлаштириш, санация қилиш суднинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас⁵⁶. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар турличадир. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан никоҳ ҳаракати (муносабатлари) тугайди деган, -хулосага келиш асосли эмас деб ҳисоблаймиз. Бундай фикрни никоҳ тузиш шартлари ва тартибини бузмаган ва никоҳ давлат томонидан маъқулланган ва ҳуқуқий санкцияланган никоҳланувчиларга нисбатан ишлатилса, ўринли бўлади⁵⁷ (никоҳдан ажратиш ҳақида сўз боради).

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмаслиги ОКнинг 56-моддасида кўрсатилган.

⁵⁵ Гражданское право. Ч.3./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М. :Проспект, 1999. -328 с.

⁵⁶ Пчелинцева Л.М. Семейное право России. -М.: Норма. 2008. -81 с.

⁵⁷ Рянсенцев В.А. Семейное право. -М.: Юрид.лит., 1971. -150 с.

Никоҳ белгиланган шартларга ва қонун талабларига риоя қилмасдан тузилиши туфайли никоҳланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига ва белгиланган салбий ҳуқуқий оқибатларни вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқий оқибатлар ғайриқонуний ҳаракатларни бажарган эр-хотинга нисбатан қандайдир шаклдаги ўзига хос жазо деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳнинг процессуал хусусиятлари, никоҳни судда ажралиш йўли билан бекор қилишдан ҳуқуқий оқибатларининг турли бўлиши ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топгандан кейин никоҳ тугалланади ва шу билан эр-хотинлик муносабатлари ҳам тугатилди, - деган хулоса келиб чиқмайди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш ҳақида чиқарган ҳал қилув қарорида тузилган никоҳ эр-хотин учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириб чиқармаслиги, аксинча никоҳ туфайли пайдо бўлган турли муносабатларни бекор қилишини ва агар, қонунда айрим ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган бўлса, улар мустасно тариқасида эканлиги ҳақида кўрсатилган бўлиши керак.

Никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳақида ҳал қилув қарорида суд, бу никоҳнинг ҳуқуқий оқибатлари нафақат шахсий ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда мулкӣ ҳуқуқларга ҳам таъсир этишлигини асослайди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда ОҚнинг 56-моддасида, агар инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтида танланган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

1969 йилги Никоҳ ва оила кодексининг амалга киритилганлигига қадар ҳуқуқшунос олимлар ўртасида никоҳни ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнг никоҳланувчиларнинг фамилияси ҳақида суд қандай ечимга келиши лозимлиги ҳақида илмий мунозараларга сабаб бўлган. Буларга кўра, Т.М.Свердлов никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топилиши билан эр-хотиннинг

фамилияси никоҳдан ажратишга қандай ҳал этиладиган бўлса, шундай ечилиши тўғрисида фикр билдирган.⁵⁸ Бу фикрни И.О.Иоффе қўллаб-қувватлаган⁵⁹. Бошқа ҳуқуқшунос олимлар эса, юқоридаги фикрларга қўшилмасдан бунга асос қилиб “никоҳни ҳақиқий эмас деб топиши тарафларга ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар туғдирмаслиги тўғрисида”ги қоидага ҳавола қиладилар⁶⁰. Бу фикрга шубҳа билан қараган олимлар ҳам бўлган⁶¹.

Бошқа бир олимлар эса, масалан, Я.Е.Песин юқоридаги фикрларга Ўзбекистоннинг 1969 йилги Никоҳ ва ОКга киритилган 64-модданинг 5-қисми “никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳоллар борлигини билмаган эр ёки хотин никоҳ тузиш вақтида танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли” эканлиги тўғрисидаги қоиданинг киритилиши билан бундай мунозараларга чек қўйилган,- деган хулосага келади⁶².

Ўзбекистон Республикасининг ОКда ҳам юқорида берилган мазмундаги “инсофли эр хотин никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтида танланган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли” эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқий норма ўз ифодасини топган.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнг эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тугатилишини назарда тутган ҳолда фикримизча, бу қоидага нафақат инсофли томонни танлаши бўйича фамилиясини сақлаб қолиш, балки суд ишни кўриш жараёнида ҳар икки тараф, эр(хотин)нинг фамилиясини тўлиқ ўзгартириш масаласини ҳал қилув қарорида кўрсатиши лозим. Шунга кўра, ОКнинг 56-моддаси 6-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда суд ҳал қилув қарорида эр-хотиннинг никоҳ тузиш давлат

⁵⁸ Свердлов Г.М. Семейное право. -М.: Юр.лит., 1958. -166 с.

⁵⁹ Иоффе О.С. Советское гражданское право. Ч.3.-Ленинград: ЛГУ, 1965. -210 с.

⁶⁰ Серебровский В.И. Семейное право//Вестник Московского Университета. -1953. -№4. -С.149.; В.А.Тархов. Советское семейное право. -Саратов. 1963. -32 с.

⁶¹ Манаев К.И. Недействительность брака. В книге правовые вопросы семьи и воспитание детей. - М.:1968. -51 с.

⁶² Песин Я.Е. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1971. -132 с.

рўйхатига олинган вақтдан олдинги фамилиясига ўтиш масаласини белгилайди”.

Бундай ҳуқуқий норманинг киритилишига асос қилиб, амалиётда аксарият ҳолларда хотин эрни жамиятда тутган мавқеи (мол-дунёсига, лавозими ва ҳ.к.)га учиб никоҳдан ўтади, ваҳоланки эр уни алдаганини билса ҳам шундай иш тутади ва хотин, агар, никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилганда ҳам “мен машҳур фамилияда қоламан”-дейиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда суд эр-хотин розилигисиз фамилияни ўзгартириши лозим,- деб ҳисоблаймиз.

Бошқа ҳамма ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун қонунда белгиланган шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни тузиш жараёнида унинг шартларини бузилишини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган тарафга нисбатан қонунда назарда тутилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни тадбиқ этмаслик адолатдан бўлмайди. Шунинг учун ҳам, агар тарафлардан бири масалан, хотин, эрнинг бошқа никоҳда бўлишини билмаган ва уни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса, нима учун у, ОҚда белгиланган бошқа шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши керак? Ҳаётда мана шундай саволлар ушбу ҳолат бўйича кўплаб учрамоқда.

Демак, оила қонунчилигининг бу масалага оид ҳуқуқий нормадаги ўзгариши нисбатан бўлса ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ушбу қонунчиликка ҳилоф ҳаракатда бўлган шахсларга нисбатан эса, ҳам моддий, ҳам маънавий таъсир чораларини қўллашга қаратилган санкция бўлиб ҳисобланади.

Бундай ҳуқуқ фақат “инсофли” томонга берилган бўлиб, шу билан иккинчи томонни мажбуриятларни бажаришга ҳам ундайди, жумладан суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган инсофли эр ёки хотинни (сохта никоҳдан беҳабар бўлиши, зўрлаш, мажбурлаш билан никоҳ тузилиши тегишли инсофсиз тарафни бошқа никоҳда бўлганлик фактини яшириши ва ҳ.к.) юқорида баён қилинганидек, меҳнат қобилиятини йўқотиш сабабли даъво

талаблари билан алимент ундириш учун судга мурожаат этишга имконият туғилади.

Инсофли эр ёки хотиннинг алимент олишга бўлган ҳуқуқлари қонунда белгиланган. Бунга кўра, агар хотин ҳомиладорлик даврида, ҳамда бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида улар ўртасидаги ногирон бола ўн саккиз ёшига тўлгунча унга қараган ёки болаликдан 1-гуруҳ ногирони бўлган бола қарамоғида бўлган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр), никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралганидан кейин бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр) никоҳдан ажралгач, беш йил ичида пенсия ёшига етмаган, ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда турган бўлсалар, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. ОҚнинг 118-моддасида булардан ташқари, никоҳдан ажралгандан кейин, собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб суд қарор чиқаришда ҳуқуқи бузилган инсофли эр (хотин)ни моддий таъминот олишда бўлган алимент миқдорини ҳам белгилаши лозимлиги ОҚнинг 119-моддасида белгиланган. Ушбу ҳуқуқий нормага кўра, агар эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр-хотинга суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори, суд томонидан эр ёки хотин (собиқ, эр-хотин)нинг моддий ва оилавий аҳволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъи суммада белгиланиши, бу сумма энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан оз бўлмаслиги ҳам кўрсатилган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши никоҳланувчиларнинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, умумий жамғармаларига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқига оид муносабатлари Оила ва ФК билан тартибга солинади.

Юқоридаги қонун талабларига кўра, ҳақиқий эмас деб ҳисобланган никоҳ давомида жамғарилган мулк никоҳни қайд қилдирган шахслар ўртасида эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулк сифатида эмас, балки фуқаролик қонунларида белгиланган умумий ҳиссали мулк сифатида тақсимланиши керак.

Никоҳ белгиланган шартларга ва қонун талабларига риоя қилмасдан тузилиши туфайли никоҳланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига ва белгиланган салбий ҳуқуқий оқибатларни вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқий оқибатлар ғайриқонуний ҳаракатларни бажарган эр-хотинга нисбатан қандайдир шаклдаги ўзига хос жазо деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳнинг процессуал хусусиятлари, никоҳни судда ажралиш йўли билан бекор қилишдан ҳуқуқий оқибатларининг турли бўлиши ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топгандан кейин никоҳ тугалланади ва шу билан эр-хотинлик муносабатлари ҳам тугатилди, - деган хулоса келиб чиқмайди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топиш ҳақида чиқарган ҳал қилув қарорида тузилган никоҳ эр-хотин учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириб чиқармаслиги, аксинча никоҳ туфайли пайдо бўлган турли муносабатларни бекор қилишини ва агар, қонунда айрим ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган бўлса, улар мустасно тариқасида эканлиги ҳақида кўрсатилган бўлиши керак.

Никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳақида ҳал қилув қарорида суд, бу никоҳнинг ҳуқуқий оқибатлари нафақат шахсий ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда мулкӣ ҳуқуқларга ҳам таъсир этишлигини асослайди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда ОҚнинг 56-моддасида, агар инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат

рўйхатига олинган вақтида танланган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

1969 йилги Никоҳ ва оила кодексининг амалга киритилганлигига қадар ҳуқуқшунос олимлар ўртасида никоҳни ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнг никоҳланувчиларнинг фамилияси ҳақида суд қандай ечимга келиши лозимлиги ҳақида илмий мунозараларга сабаб бўлган. Буларга кўра, Т.М.Свердлов никоҳни ҳақиқий эмас, - деб топилиши билан эр-хотиннинг фамилияси никоҳдан ажратишга қандай ҳал этиладиган бўлса, шундай ечилиши тўғрисида фикр билдирган.⁶³ Бу фикрни И.О.Иоффе қўллаб-қувватлаган⁶⁴. Бошқа ҳуқуқшунос олимлар эса, юқоридаги фикрларга қўшилмасдан бунга асос қилиб “никоҳни ҳақиқий эмас деб топиши тарафларга ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар туғдирмаслиги тўғрисида”ги қоидага ҳавола қиладилар⁶⁵. Бу фикрга шубҳа билан қараган олимлар ҳам бўлган⁶⁶.

Бошқа бир олимлар эса, масалан, Я.Е.Песин юқоридаги фикрларга Ўзбекистоннинг 1969 йилги Никоҳ ва ОКга киритилган 64-модданинг 5-қисми “никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳоллар борлигини билмаган эр ёки хотин никоҳ тузиш вақтида танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли” эканлиги тўғрисидаги қоиданинг киритилиши билан бундай мунозараларга чек қўйилган,- деган хулосага келади⁶⁷.

Ўзбекистон Республикасининг ОКда ҳам юқорида берилган мазмундаги “инсофли эр хотин никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтида танланган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақли” эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқий норма ўз ифодасини топган.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилгандан сўнг эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тугатилишини назарда тутган ҳолда фикримизча, бу

⁶³ Свердлов Г.М. Семейное право. -М.: Юр.лит., 1958. -166 с.

⁶⁴ Иоффе О.С. Советское гражданское право. Ч.3.-Ленинград: ЛГУ, 1965. -210 с.

⁶⁵ Серебровский В.И. Семейное право//Вестник Московского Университета. -1953. -№4. -С.149.; В.А.Тархов. Советское семейное право. -Саратов. 1963. -32 с.

⁶⁶ Манаев К.И. Недействительность брака. В книге правовые вопросы семьи и воспитание детей. - М.:1968. -51 с.

қоидага нафақат инсофли томонни танлаши бўйича фамилиясини сақлаб қолиш, балки суд ишни кўриш жараёнида ҳар икки тараф, эр(хотин)нинг фамилиясини тўлиқ ўзгартириш масаласини ҳал қилув қарорида кўрсатиши лозим. Шунга кўра, ОКнинг 56-моддаси 6-қисми қуйидаги тахрирда баён этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда суд ҳал қилув қарорида эр-хотиннинг никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтдан олдинги фамилиясига ўтиш масаласини белгилайди”.

Бундай ҳуқуқий норманинг киритилишига асос қилиб, амалиётда аксарият ҳолларда хотин эрни жамиятда тутган мавқеи (мол-дунёсига, лавозими ва ҳ.к.)га учиб никоҳдан ўтади, ваҳоланки эр уни алдаганини билса ҳам шундай иш тутади ва хотин, агар, никоҳ ҳақиқий эмас, - деб топилганда ҳам “мен машҳур фамилияда қоламан”-дейиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда суд эр-хотин розилигисиз фамилияни ўзгартириши лозим,- деб ҳисоблаймиз.

Бошқа ҳамма ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун қонунда белгиланган шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни тузиш жараёнида унинг шартларини бузилишини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган тарафга нисбатан қонунда назарда тутилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни тадбиқ этмаслик адолатдан бўлмайди. Шунинг учун ҳам, агар тарафлардан бири масалан, хотин, эрнинг бошқа никоҳда бўлишини билмаган ва уни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса, нима учун у, ОКда белгиланган бошқа шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши керак? Ҳаётда мана шундай саволлар ушбу ҳолат бўйича кўплаб учрамоқда.

Демак, оила қонунчилигининг бу масалага оид ҳуқуқий нормадаги ўзгариши нисбатан бўлса ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ушбу қонунчиликка ҳилоф ҳаракатда бўлган шахсларга нисбатан эса, ҳам моддий, ҳам маънавий таъсир чораларини қўллашга қаратилган санкция бўлиб ҳисобланади.

⁶⁷ Песин Я.Е. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистане. -Ташкент: Фан,

Бундай ҳуқуқ фақат “инсофли” томонга берилган бўлиб, шу билан иккинчи томонни мажбуриятларни бажаришга ҳам ундайди, жумладан суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган инсофли эр ёки хотинни (сохта никоҳдан беҳабар бўлиши, зўрлаш, мажбурлаш билан никоҳ тузилиши тегишли инсофсиз тарафни бошқа никоҳда бўлганлик фактини яшириши ва ҳ.к.) юқорида баён қилинганидек, меҳнат қобилиятини йўқотиш сабабли даъво талаблари билан алимент ундириш учун судга мурожаат этишга имконият туғилади.

Инсофли эр ёки хотиннинг алимент олишга бўлган ҳуқуқлари қонунда белгиланган. Бунга кўра, агар хотин ҳомиладорлик даврида, ҳамда бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида улар ўртасидаги ногирон бола ўн саккиз ёшига тўлгунча унга қараган ёки болалиқдан 1-гуруҳ ногирони бўлган бола қарамоғида бўлган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр), никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралганидан кейин бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган, ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр) никоҳдан ажралгач, беш йил ичида пенсия ёшига етмаган, ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда турган бўлсалар, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. ОКнинг 118-моддасида булардан ташқари, никоҳдан ажралгандан кейин, собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб суд қарор чиқаришда ҳуқуқи бузилган инсофли эр (хотин)ни моддий таъминот олишда бўлган алимент миқдорини ҳам белгилаши лозимлиги ОКнинг 119-моддасида белгиланган. Ушбу ҳуқуқий нормага кўра, агар эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр-хотинга суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори, суд томонидан эр ёки хотин (собиқ, эр-хотин)нинг моддий ва оилавий аҳволини

хамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларидан келиб чиқиб, хар ойда пул билан тўланадиган қатъи суммада белгиланиши, бу сумма энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан оз бўлмаслиги ҳам кўрсатилган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши никоҳланувчиларнинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, умумий жамғармаларига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқига оид муносабатлари Оила ва ФК билан тартибга солинади.

Юқоридаги қонун талабларига кўра, ҳақиқий эмас деб ҳисобланган никоҳ давомида жамғарилган мулк никоҳни қайд қилдирган шахслар ўртасида эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулк сифатида эмас, балки фуқаролик қонунларида белгиланган умумий ҳиссали мулк сифатида тақсимланиши керак.

Умумий улушли мулкни тақсимлаш асослари ФКнинг 223-моддасида белгилаб қўйилган. Улушлар асл ҳолида ёхуд бунинг имкони бўлмаса пул қиймати шаклида берилади⁶⁸. Улуш ҳажми қуйидагиларга қараб белгиланади:

-мол-мулкни вужудга келишида (яратилиш, сотиб олинимида) қўшган ҳисса миқдорига қараб;

-мол-мулкни яхшиланишига қўшган ҳиссасига қараб;

-мол-мулкни харажатларида қўшган ҳиссасига қараб.

Агар никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган ишлар бўйича никоҳланувчилар ўртасида мулкӣ низолар пайдо бўлса, суд жамғарилган мулкда эр-хотиннинг қанчалик ҳиссаси борлигини эътиборга олган ҳолда, юқоридаги мезонлар асосида, мулкни бўлиш ҳақидаги масалани ҳал этиши лозим.

Ҳақиқий ҳисобланмаган никоҳ давомида жамғарилган умумий ҳиссали мулк қайси турда бўлишидан қатъи назар (уй-жой, дала-ҳовли жой, транспорт воситалари, чорва моллари ва бошқалар) эр-хотиндан

⁶⁸ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. -251 б.

бири ўзининг номига расмийлаштирилган бўлиши назарга олинмаслиги ва мол-мулклар эр-хотиннинг қўшган ҳиссаларига қараб тақсимланиши лозим.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг ҳар иккаласига берилган совғалар, умумий мулк ҳисобидан олинган ютуқли лотерея ва облигациялар ҳамда уларнинг ютуқлари ҳам уларнинг умумий ҳиссали мулки бўлиши ҳақидаги тўғри фикрлар билдирилган. Бироқ лотерея ва ютуқ заёмлари, уни сотиб олган эр ёки хотиндан бирининг шахсий маблағи ҳисобига олинган бўлса, ўзининг хусусий мулки бўлиб қолиши⁶⁹ ҳақидаги фикрларни асосли эмаслигини таъкидлаб, ушбу фикрларга қўшила олмаймиз. “Эр-хотиннинг шахсий маблағи” деганда, қандай маблағлар инобатга олинishi ва нима учун эр ёки хотин ўзи ишлаб топган маблағлари улар ўртасидаги махсус келишувсиз фақат эр ёки хотинники бўлиши, оиласи эса, четда қолиши керак? Шунинг учун лотерея ва ютуқли заёмлар ҳам умумий мулк ҳисобланиши лекин ҳиссасига қараб бўлиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай улушга эга бўлиш инсофли эр-хотинга нисбатан татбиқ этилиши керак бўлади. Инсофсиз тарафга эса бу ҳолат жорий этилмайди. Фикримизча, ҳақиқий бўлмаган никоҳ давомида жамғарма банкларига қўйилган маблағларга нисбатан ҳам инсофли эр-хотиннинг тегишли улушга ҳақли бўлиши ҳақидаги қонуннинг жорий этилиши ҳам адолатдан бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан суд ишни фуқаролик ҳамда оила қонунчилиги нормалари асосида кўриб ҳал қилиши лозим.

Инсофли бўлмаган томон қурилиш кооперативидан жамғарилган пай бадали ҳисобидан ўз ҳиссасини (улушини) талаб қила олмайди. Эр-хотиндан бири фақат аъзолик бадалига қўшган улуши учун тегишли қисмини сумма ҳисобида талаб қилишга ҳақлидир. Бунга асос бўлиб пай бадали ҳам жамғарма банкидаги маблағлари каби ҳақиқий бўлмаган никоҳда турган шахслар ўртасида бўлинмаслиги ҳақида умумий қоидада кўрсатиб ўтилган.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат, 2000. -72 б.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда суд, никоҳдан ўтган шахсларнинг бундай никоҳни тузишда қанчалик жон куйдирганлиги, уларнинг никоҳ шартларига қанчалик амал қилган-қилмаганликларини ҳамда алдаш, зўрлаш, бошқа никоҳда туриш, сохта тузилган никоҳ никоҳланувчилар учун қай даражада инсофсизлигига қараб турмуш даврида орттирилган мол-мулкка эга бўлганлиги аниқланиши лозим.

Юқорида баён қилинганидек, ҳақиқий бўлмаган никоҳда эр-хотин ғайриқонуний тарзда тузилган никоҳга нисбатан бўлган муносабатини таҳлил қилмасдан туриб, уларга турли шаклдаги жазо чораларини татбиқ қилиш инсон ҳуқуқларининг топталишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўриб ҳал қилув қарорини чиқаришда юқоридаги талабларнинг бажарилишига аҳамият бермоғи лозим, шундагина иш юзасидан асосли, қонуний ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин бўлади. Суд юқорида санаб ўтилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда истисно тариқасида инсофли тарафни никоҳ давомида жамғарган мулкига нисбатан ОҚнинг 23-27 ва 29-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга ҳақли эканлиги таъкидланган. Санаб ўтилган ҳуқуқий нормаларда никоҳ қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган, кейинги суд тартибида ажратилган эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳажмини белгилайди, ана шундай ҳуқуқлар тўла равишда инсофли эр-хотинга ҳам жорий қилинади.

Мазкур бобни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

Сохта никоҳни ҳақиқий деб ҳисоблаш масаласи фақат эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқи, шахсий иши деб қараш лозим, бироқ бундай никоҳ туйғайли бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилган ҳоллар бундан мустасно. ОҚда қайси ҳолларда тузилган сохта никоҳни суд ҳақиқий ҳисоблаши ҳақида тегишли ҳуқуқий норма белгиланмаган. Фикримизча, ОҚнинг 54-модданинг 3-қисми сифатида қуйидаги ҳуқуқий

нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: “иш судда ҳал қилиниши пайтигача сохта тузилган никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги талаби билан ҳақиқий деб топилиши мумкин”.

Сохта никоҳни ҳақиқий деб ҳисоблаш масаласи фақат эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқи, шахсий иши деб қараш лозим, бироқ бундай никоҳ туфайли бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилган ҳоллар бундан мустасно. ОКда қайси ҳолларда тузилган сохта никоҳни суд ҳақиқий ҳисоблаши ҳақида тегишли ҳуқуқий норма белгиланмаган. Фикримизча, ОКнинг 54-модданинг 3-қисми сифатида қуйидаги ҳуқуқий нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: “иш судда ҳал қилиниши пайтигача сохта тузилган никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги талаби билан ҳақиқий деб топилиши мумкин”.

ХУЛОСА

Мазкур мавзуни ўрганиш, татқиқ қилиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик.

Никоҳ тузиш шартлари оила ҳуқуқининг алоҳида институти бўлиб ҳисобланса-да, лекин ушбу институтни, яъни никоҳ тузиш шартларига риоя қилмасликнинг белгиловчи оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳамда тадқиқотимизнинг асосий қисмида ўрганилган ва татқиқ қилинган масалалар асосида қуйидаги хулосаларга, илмий натижаларга келдик.

Магистрлик диссертация ишида ОКга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унинг 13-моддаси 1-қисми қуйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган: “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари ва қонунда кўрсатилган бошқа органлардан ташқари тузилган ҳар қандай никоҳ, ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамият келтириб чиқармайди”.

2. Фикримизча, ОКнинг 13-моддаси тўртинчи қисмдан сўнг, бешинчи қисм сифатида “никоҳланувчи шахсларнинг илтимосига биноан белгиланган бир ойлик муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин” лиги қонунда киритиш мақсадга мувофиқдир. ОК 13-моддасининг бешинчи қисми эса ўз навбатида олтинчи қисм бўлиб ҳисобланиши лозим. Бундан ташқари, ОК 13-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилган “бошқаларда” иборасини аниқлаштириб, унга нималар кириши аниқ кўрсатилиши керак. Чунки “бошқаларда” ибораси турли маънони англатади.

3. ОК 16-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш, мақсадга мувофиқдир: “лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақида соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ

тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.”

4. Оила кодексининг 17-моддаси иккинчи қисмини ОК 13-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, қуйидаги қондани киритишни таклиф қиламиз:

- ушбу кодекснинг 13-модда бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш талаб қилинмайди.

ОКнинг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар сифатида қуйидаги шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган:

а) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар-бола-ота-она-бобо-буви-катта бобо-катта буви ва ҳ.к;

б) туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида;

в) фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида

5. ОК 16-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш, мақсадга мувофиқдир: “лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақида соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг тегишли хужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.”

ОК 16-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш, мақсадга мувофиқдир: “лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақида соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг тегишли хужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -380 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -431 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.- 120 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси//И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” –Тошкент, Ўзбекистон. 2010 й.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил, 16 ноябрь

II. Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2009. - 44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Расмий нашр. 2008. -496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Т.: Адолат. 2007. -176 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 2007
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 2007 йил.
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Т.: Адолат.2007. -327 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайдэтиш қоидалари 12-апрелдаги 171-сон қарори. (қарорнинг 2-илоvasи).-Т.:Адолат. 1999. -62-82 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. -Т.:2002. №7.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябр 23-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. 2-жилд. -Т.: Шарқ. 1999.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 11 сентябр.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқароларни муомалга лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиётини умумлаштириш яқунлари ҳақидаги Маълумотномадан. -Т.: 2004. 17 май.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайдэтиш қоидалари 12-апрелдаги 171-сон қарори. (қарорнинг 2-илоvasи).-Т.:Адолат. 1999. -62-82 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. -Т.:2002. №7.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябр 23-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. 2-жилд. -Т.: Шарқ. 1999.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 11 сентябр.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқароларни муомалга лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд-прокурор амалиётини умумлаштириш яқунлари ҳақидаги Маълумотномадан. -Т.: 2004. 17 май.

Ш. Махсус адабиётлар:

1. Атаходжаев Ф.М. Гарантии прав граждан законодательству Узбекской ССР. Сборник научных трудов. -Ташкент: 1982. №695.
2. Ашурова Н. Муомала лаёқати.//Ҳаёт ва қонун.-Тошкент, 2003. -№2.-Б.13-
3. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 2006.-384 б.
4. Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? -Тошкент: ТДЮИ, 2003. -146 б.
5. Зокиров И., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Тошкент: Адолат, 1998. -112 б.
6. Зокиров И., Оқюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Тошкент: ТДЮИ, 2003. -224 б.
7. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. -Ташкент: ТДЮИ, 2004.-104 с.
8. Караходжаева Д.М. Семейное право.-Ташкент, ТГЮИ, 2009.-87 с.
9. Гражданское право (общая часть). Коллектив авторов. –Ташкент, ТГЮИ, 2010.- 67 с.
- 10.Комментарий к Кодексу о браке и семье. Каз.ССР. -Алма-ата. Казахстан, 1972. –С.24-65.
11. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. /Ҳ.Раҳмонкуловнинг умумий таҳрири остида. -Тошкент: Адолат, 2000. -446 б.
- 12.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II қисм./Ҳ.Раҳмонкулов ва И.Зокировларнинг умум.таҳрири остида. -Тошкент: Адолат. 2007. -529 б.
13. Халқаро хусусий ҳуқуқ./ Ҳ.Раҳмонкуловнинг таҳрири остида. -Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. -324 б.
- 14.Муҳамедов Р. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1975. -122 б.
- 15.Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -172 б.

16. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ тузхиш тартиби ва шартлари./Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
17. Отахўжаев Ф.М. Никоҳнинг тугатилиши.//Қонун ҳимоясида.-Тошкент, 1998. -№12.-Б.?
18. Отахўжаев Ф.М. Оила ва қонун.//Қонун ҳимоясида.-Тошкент, 1997. -№6. – Б.33-34.
19. Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оила. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. -132 б.
20. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2002. -154 б.
21. Шораҳметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи.-Тошкент: Адолат, 2001.-507 б.
22. Юлдашева Ш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ.- Тошкент: ТДЮИ, 2008.-365 б.

IV Қўшимча адабиётлар:

1. Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. -М.: Юрист, 1998. -280 с.
2. Антокольская М.В. Место семейного права в системе отраслей частного права. //Государство и право. -М.: 1995. -№6. –С.30-40.
3. Комментарий к Гражданскому Кодексу Российской Федерации Ч. 1. /отв.ред. О.Н.Садиқов-М.: Юринформцентр, 1997.-316 с.
4. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации./ Отв.ред. И.М.Кузнецова. -М.: 1996. -345 с.
5. Муратова С.А. Семейное право. -М.: Юриспруденция, 2001.-224 с.

V. Диссертациялар ва авторефератлар:

1. Мананикова В.К. Правовой статус членов семьи по советскому законодательству (цивилистический аспект). Автореф.дис... докт.юрид.наук. – М.:1990.
2. Худояров Б. Защита прав и интересов детей по семейному праву Республики Таджикистан. Автореф.дис...канд.юрид.наук.-Душанбе.: 2000.

3. Маткурбанов Р. Правовые проблемы дееспособности физических лиц. Автореф. дис...канд.юрид.наук.-Ташкент: 2004.
4. Атаходжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикаси никоҳ тўғрисидаги қонунларининг ривожланиши ва уларни такомиллаштириш муаммолари. Юрид.фан.докт.Дис.... -Тошкент: 2000.
5. Боротов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.докт.дис.... Автореф. -Тошкент: 2008.-36 б.
6. Самарходжаева М.Х. Развитие брачно-семейного законодательства Узбекской ССР о воспитании детей в семье. Автореф.дис.... канд.юрид.наук - Ташкент: 1982.
7. Ш.Р.Юлдашева. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликни моҳияти, уни амалга ошириш муаммолари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореф. - Тошкент: 2008.-25 б.
8. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юрид.фан.номз.дис...Автореферати. -Тошкент: 2005.- 25 б.
9. Инамджанова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларининг оила-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореферати. - Тошкент: 2008.-26 б.
- 10.Шорахметова У.Ш. Никоҳ тузиш шартларига риоя қилмаслик оқибатларини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари. Юрид.фан.номз.дис....Автореферати.-Тошкент:2008.-16 б.